

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

Азиз юртодошим! Дунёда шундай бир буюк сўз борки, у инсон юрагида илоҳий нур каби доим ёлқинлашиб туради, танга қувват, роҳат бағишлайди. У мўътабар «Она» сўзи билан ёнма-ён турадиган азиз «Ватан» сўзидир.

Дунёда она битта. Ватан битта бўлади, бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Одамзод борки, ўзи туғилган, яшаган заминни ҳеч қачон унутмайди.

Жонажон Ватан! Сен онам ва отам ўсиб-улгайган, мени дунёга келтирган дийвон, бағринда қонил фарзандларининг вояга етказганидан бахтиёрсан.

Дунё бўлди чаманим маням. Узбекстон Ватаним маням.

Она-Ватаним севган ҳар бир пок қалб ана шундай хитоб қилиши табиий бир ҳол. Биз ҳам мустақиллигимизнинг 8 йиллиги нишонланаётган кунлари кўнгилдаги гапларимиз билан ўртоқлашишни ният қилдик. Мустақиллик биз учун жамият тарққилишининг бутунлай янги даврини бошлаб берди. У ўзбекистонимизни, ўз миллатини жаҳонга танитди. Миллий манфаатларимизга, маънавий қадриятларимизга, демократик мезонларга тамомла мувофиқ янги жамият қуришга киришдик.

Миллий давлатчилик пойдевори, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат ислохотларининг бош ташаббускори, уларни мувофиқлаштирувчи асосий қўчга айланди. Энг демократик Конституцияимиз давлатнинг қонуний, ҳуқуқий тақомиллаштиришининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Истиқлол туйғулари одамлар дунёқарашини янгиланган бошлади. Тарихий қадриятлар, урф-одатларнинг тикланиши оҳангликнинг миллий руҳига қўчи таъбир этди. Она тилимиз ва динимизга бўлган янгича муносабат, Ватанга ва истиқлол гоғларига садокат миллий гурури, ифтихор туйғулари одамларнинг ўсишида катта ўрин тугади.

Ватан тушунчаси, ватанпарварлик туйғуси янгича маъно касб этди. Миллий

анъаналар, байрамлар халқимиз қадрли, иззат-ҳурмати, гурурининг ошишига олиб келди.

Тарихий миллий қадриятларимиз билан янгидан танишув, уларни тиклаш ва бойитиш ҳар бир фуқаронинг миллий тушунчасига айланади. Тарихий меросини бошлаб ҳурмат-эҳтиқод, фахрлини туйғулари мустақамланди. Халқимизда кўпроқ тарихимизни, қадриятларимизни, авлодлар меросини ўрганиш ҳисси уйғонди. Уларда Ватан олдидаги, эл-юрт олдидаги ўз бурчини эъозлаш туйғуси кўчади.

Бозор муносабатлари, турли мулк шакллари мулкка муносабатимизни, меҳнатимизнинг характерини ўзгартириб юборди.

Албатта, ҳар қандай мамлакатда ўтиш даври осонликча кечмайди. У бир неча ўн йилликларга чўзилади. Аммо ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръати, ишга туширилаётган улкан иншоотлар ўтиш даври жуда қисқа вақт билан чегараланишини кўрсатиб турибди.

Машинасозлик, нефть маҳсулотлари, энгил санаят, озиқ-овқат, маҳаллий қайта ишлаш санаяти, қурилиш, пахтачилик, галла, қимматбаҳо материаллар ишлаб чиқариш соҳаларида жиддий қисқалиш кўзга ташланмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини ях-

шиланиш, маънавий ва мафкура соҳаларида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакат ҳаётида рўй бераётган иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг беш максиди одамларнинг муносиб турмуш шароитларини яратибди.

1997 — «Инсон манфаатлари йили», 1998 — «Оила йили» ва 1999 — «Аёллар йили» деб эълон қилиниши миллий мустақилликка эришишдан сўнг ўртимизда амалга оширилаётган тўв ислохотларнинг марказида одам-

анжуман, у кишининг Самарқанд шаҳри Челек туманидаги аҳлиб, тақорламаас мажмуаси халқимизнинг сезимли эиберат жойи бўлиб қолди. Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг хокини улуғлаб аҳлиб сайилгоҳ қурилиши халқимизнинг кўнглини, руҳини кўтариб юборди. Бу ишларнинг ҳаммаси мустақиллигимизнинг шарофати ила баҳарлимоқда.

Жамият — унинг аъзоларининг камолоти натижасида тақомиллашади. Ислом фалсафасида инсон омили юксакда туради. Инсон ўз хул-

бевосита келажоги учун ҳаётини зарурият тарзига қўйган янгича интилиш, тушуниш, нуқтаи назар яхлитлиги дейиш мумкин.

Узоқ ўтмишдаёқ халқимиз ҳайратли ўзгаришларни билан эътиборли ҳавасини келтирган, ибрат олишга арзуилик сифатлари билан аҳлиб турган. Шу боис араб сайёхи ибн Ботута (13 аср) «Сафарнома» китобида: «Мен дунёни кезиб бундай одамлардай эъгу ниятли ва эъгу хулқи кишилари кўрмадим. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкароғхлари, хоналарида олтин ва қумуш тангалар ерда сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди» деб хўтлаган. Ҳи асрда яшаб ўтган олим Маҳмуд Қошғари «Тангри уларга ўзи от қўйган, исм берган, уларни энг баланд ерларга, хушхаво жойларга ўртатган ва ўзининг ботирлигидан сананган. Туркларда кўркамлик каби мақташга сазовор хулқлар сони бениҳоят кўпдир» деб таърифлаган эди. Бундай улуғвор фазилатлари ал-Хоразми, ал-Фарғоний, Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Бериуний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби салотиқли устозлар янада юксакликка кўтаришган.

Истиқлолимизнинг асл моҳияти — мафкураининг бош вазифаси ягона Ватанга меҳр-муҳаббат, унга фарзандлик садокати, жон қадар меҳр туйғусидир.

Ватан — бу шеърини сартрларга сизмас буюк неъмат, кечиз уммон каби қалбдаги шукроналик, гурур ва ифтихор туйғусидир.

Ватан — бу иқбол беланчаги, инсонийликка ва барқарорликка кафолат бўлувчи мустақам кўрғон.

Зайнитдинова, Бериуний Давлат муқофоти совриндори, профессор.



«Орзу» хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари Мустақиллигимизнинг 8 йиллик байрамини меҳнат уюқлари билан қутиб олишмоқда. СУРАТДА: 6-сех бошлиғи Холмурод Мирзалев усталар билан ҳамкорликда тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Солиқ Зоир олган сура.

ЭНГ БУЮК СЎЗ

Маънавият

ларимиз билан янгидан танишув, уларни тиклаш ва бойитиш ҳар бир фуқаронинг миллий тушунчасига айланади. Тарихий меросини бошлаб ҳурмат-эҳтиқод, фахрлини туйғулари мустақамланди. Халқимизда кўпроқ тарихимизни, қадриятларимизни, авлодлар меросини ўрганиш ҳисси уйғонди. Уларда Ватан олдидаги, эл-юрт олдидаги ўз бурчини эъозлаш туйғуси кўчади.

Бозор муносабатлари, турли мулк шакллари мулкка муносабатимизни, меҳнатимизнинг характерини ўзгартириб юборди.

Албатта, ҳар қандай мамлакатда ўтиш даври осонликча кечмайди. У бир неча ўн йилликларга чўзилади. Аммо ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръати, ишга туширилаётган улкан иншоотлар ўтиш даври жуда қисқа вақт билан чегараланишини кўрсатиб турибди.

Машинасозлик, нефть маҳсулотлари, энгил санаят, озиқ-овқат, маҳаллий қайта ишлаш санаяти, қурилиш, пахтачилик, галла, қимматбаҳо материаллар ишлаб чиқариш соҳаларида жиддий қисқалиш кўзга ташланмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини ях-

лар тақдирини, уларнинг турмуш фаровонлигини, эртанги кунни, бахт-саодати турганлигининг эркин мисоллидир.

Биз тақомилла янги, адолатли жамият барпо этаёмиз. Тараққиёт йўлимиз ҳам, ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кўпдан-кўп ишлар ҳам, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, кўрсатмаларнинг пировард-натижаси ҳам халқ манфаатларидаги бўлаётган ишлар билан бевосита боғлиқдир.

Маънавий баркамол, маърифатли, жисмоний соғлом ўзининг ҳаётдаги ўрни, бугунини англайдиган одамлар тарбиялаш умумдавлат аҳамиятидаги вазифа ҳисобланади.

Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифат-севарлик каби эъгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий боғланиб келди. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк аллоамларнинг номили мустақиллигимизнинг шарофати ила халқимизга, бутун дунёга машҳур бўлди.

Хадис илмининг султони Имом Бухорийнинг (1998 йил 26 ноябрь) таваллуд кунларида бағишлаб ўтказилган

қининг ҳам, жамият маънавиятининг ҳам ижодкори, ўзининг ва замондошларининг маънавий сифатлари учун жаловобгардир. Жамиятимизда келажоги буюк ҳуқуқий демократик давлат яратиш деганининг етакчи гоғси саналади.

Доғишманд Абу Носир Форобий: «Ҳар бир инсон табиатан шундай яратилганки, у яшаш ва олиғ даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, ёлғиз ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайдик, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади» деб ёзган эди.

Бинобарин, жамият инсонга инсон сифатида шаклланиши учунгина эмас, ҳатто оддийгина турмуш кечирishi учун ҳам керак.

Жамиятнинг инсон шахси, тақдирини, яшаш тарзига таъсири аввало унинг ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлари билан белгиланади. Истиқлол баҳшида этган неъматлардан бири, шубҳасиз ўзликини англашга бўлган давлатдор. Юзаки қараганда бу оддий тушунча. Аслида бир асрдан ортик даврда истибод зулмининг тақдирини кўрган халқ миллат ва истиқлолга этган ҳамоно ўзликини англашга давлатни бениҳоят кенг қамровли ва

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП

Сирғали туман ўқувчи ва ёшлар илмий-техника ижодиёт маркази яқинда ҳайри бир иш бошлади. Мақтаб ёшларидаги болаларнинг билим, касб ва ҳунарни пухта эгаллашга бўлган қизиқишларини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг бўш вақтини фойдали ўзганга бурган ҳолда тўғри ташкил этиш, таълим ва тарбияда узвийлик оша самарадорлиқни таъминлаш мақсадида шу йўналишдаги ишнинг муайян қисмини Марказ бевосита маҳаллаларга кўчирди. Бу ишни талаб даражасида йўлга қўйиш учун намуна йўналишда тумандаги «Иттифок», «Нилуфар», «Қўшқўрғон» ва Абдурахим Шерифов номи маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик шартномалари тўзиди. Ҳозирги кунда тўрт тала маҳаллада ҳам Марказнинг бўлимлари очилган бўлиб, ўқувчи ёшларнинг қизиқишлари бўйича тўғарақлар ҳамкорлик шартномалари асосида ишлаб турибди.

Маълумки, ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабдан ташқари тарбия муассасалари олдида ҳам катта вазифалар қўйилган. Сирғали туман ўқувчи ва ёшлар илмий-техника ижодиёт маркази ана шу улғувор вазифалар асосида ўз ишини янгиҳасига ташкил этиш йўлида тинимсиз изланиш олиб бормоқда. Асосий эътибор мактаб ёшидаги болаларгагина хос ва тобора ортиб бораётган таълим ва ҳунарга бўлган талаб-эҳтиёлларни қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олиши фойдали кечиниши, иқтидорли ёшларни аниқлаб, улардаги қобилият ва истеъод қурталқинини қулф урдириш, мамлакатимизнинг янги асрдаги равнақини белгиловчи авлод ҳар тарафлама уйғун ҳолда камол топишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга қаратилмоқда.

Марказ истиқбол эгаларини комил инсон қилиб тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлик ҳамда ҳамжихатликда иш олиб бориш йўлига қатъий амал қилаётди. «Иттифок» маҳалласида, масалан, аънавий тўғарақлардан ташқари, маҳалла аҳлининг илтимосига кўра сартарошлик касби ўргатилган тўғарақ иши ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари компьютерда ердан бермоқдалар. Зотан, аёл борки — олам мунаввар, улар қаерда бўлмасин — оиладами, қорхонадами, шу ерда фаёз бўлади, барака таъминланади.

Дарҳақиқат, аёлларнинг орзу-умидлари мусаффо, ният-хоҳишлари покизадир. Ишдаги муваффақиятларини янада ошириш, сифат ва самарадорлигини сақлаш, меҳнаткашлар маънавий ва моддий шароитларини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар қўмитаси раиси Г. Ҳақимова шу йил май ойида Исроил давлатининг Гистадрут халқор институтига «Хотин-қизлар озод касабани оюшмасида раҳбар (лидер)» курсида ўқиб келди.

Шу каби ўқишлар хотин-қизларимизнинг дунёқарашини юксалтириш, ижтимоий, маданий соҳаларини тақдирга алмиши, қадимий шаҳарлар тарихи ва ёдгорликларини, миллий урф-одатларимиз билан таъништиришда изчил ва оқилона ердан беради.

Б. АШУРБОВ.



Нукус қўчасининг бугунги кўриниши.

1999 — Аёллар йили

ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё санаяти ҳодимлари касабани оюшмасида раҳбар (лидер) курсида ўқишларини тўзиди. Ҳозирги кунда тўрт тала маҳаллада ҳам Марказнинг бўлимлари очилган бўлиб, ўқувчи ёшларнинг қизиқишлари бўйича тўғарақлар ҳамкорлик шартномалари асосида ишлаб турибди.

1999 йилда касабани оюшма қўмиталарида ҳисобот-сайлов ўтказиш даврида аёлларнинг фаёзлигини ошириш, уларни лавозимларга сайлаш; зарарли меҳнат шароитида ишлайдиганларга алоҳида эътибор бериш; саломатлигини тиклаш зарур бўлган аёлларни ҳисобга олиш, уларни шифохоналарда даволаш харажатларини қоплаш; ҳуқуқий савиларини ошириш мақсадида ҳуқуқшунос мутахассислар билан учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш ва бошқа кўпдан-кўп чора-тадбирларнинг бажарилиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Шу муносабат билан «Ўзкимёфарм» очик хиссадорлик жамиятида 1999 йили аёлларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг тақомиллаштириш юзасидан «Аёллар йили» тадбирларининг Дастури ишлаб чиқилиб, уларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминланмоқда.

Кишиллар ҳаётини ва саломатлигини ҳимоя этувчи меҳр-шафқат рамзи бўлган Ўзбекистондаги йирик кимё-фармацевтика қорхонасида ҳозирги кунда 600 та ходимлар фаолият кўрсатишяпти, улардан 400 нафарини аёллар ташкил қилади. Қорхонада энг кам иш ҳақи ҳозирги кунда 2350 сўм, ўртача иш ҳақи эса 6890 сўмнинг ташкил қилади. Шунингдек, ишчиларга ҳар ойда 1200 сўм миқдорда оватланиш пули тўланади.

Қорхонада ўтказилаётган барча тадбирларга касабани оюшма қўмитасининг раиси Дилдора Абдуллабекова бош-қош бўлаётганликларини таъкидлаш ўринлидир.

Шаҳар касабани оюшма қўмитаси тасарруфидаги касабани оюшма қўмиталарининг раислари орасида аёллар алоҳида ўрин эгаллайди. Улардан Дилором Миррахимова («Тошнефтьмаҳсулот»), Лилия Иванова («Ўзбекмон-

Мустақиллик медалари

ИЖОБИЙ САМАРА

Мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тантаналари катта шодиёналар билан нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Истиқлол юртодошларимизга катта имкониятлар яратиб берди. Уларнинг қай бирига тадбиркорлик шиббармонликка кенг йўл очилган бўлса, яна бошқасига илм олиш, хусусан ҳорижий мамлакатларда тажриба орттиришга замин ҳозирланди. Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университети психология кафедраси доценти Нуриддин Сафоев ҳам Мустақиллик берган буюк неъматлардан баҳраманд бўлганлардан бири. У яқиндагина «Устоз» жамғармаси орқали ўттиз беш нафар ҳамкасблари билан биргаликда Америка Қўшма Штатларида ўз малакасини ошириб қайтди.

— Биз АКШнинг Вашингтон шаҳридаги Мерилен университетида ҳамда бир қатор мактаб ва маданий муассасаларда бўлидик, — деди Нуриддин Сафоев. — У ерда бўлганимизда АКСЕЛС дастури асосида бошқариш психологияси, ўқитиш услуби ва махсус тестлар бўйича ўқиш, янги педагогик технология бўйича ўз малакамизни оширдик. Билим даргоҳида таълим тизимининг тўлиқ компьютерлаштирилганининг гувоҳи бўлидик.

Шунингдек, у ерда мактаб ва олий ўқув юрталарининг ўқитиш тизими бир-бири билан узвий боғлиқ. Ана шу ўқитиш тизимида бевосита ўзаро боғлиқлик бўлганлиги туйғулари ўқувчи олий ўқув юртида ҳам ҳеч қандай иккиланмишларсиз таълим олишни давом эттираверди.

Хуллас, биз ҳам олий ўқув юрти билан мактаблардаги ўқитиш услубини бирлаштириш ижобий самара беришига амин бўлидик.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Саноат

БАЙРАМГА ТУҲФА БЎЛАДИ

Поётхатимиздаги «Оникс» хиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган тадбиркорлар бозор иқтисодиёти шароитида изланиб ва иштироб иш юртимокдалар. Бозор қоньоктурасини ўрганиш, янги харидорлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш бугунининг талаби эканлигини улар тўғри англаб, қисқа давр ичида жамоада бир нечта қўшма қорхона ташкил этишга муваффақ бўлишди.

Газ ўлчачиқ асбоблари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўзбек-Италия қўшма қорхонасида шу кунгача 5000 дона ана шундай сифатли ва зарур маҳсулотлар тайёрланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур газ ўлчачиқ асбоблар амалиётда қўлланилиб, юқори баҳоладан. Маҳсулот таннархи эса четдаги шу турдаги газ ўлчачиқ асбобларидан арзонлиги билан ажралиб туради. Айни кунларда эса жамиятда маҳсулотни ташқи бо-

зорга чиқариш режалари ҳам ишлаб чиқилмоқда ҳамда қорхонада сув ўлчачиқ асбоблари тайёрлашни йўлга қўйишга ҳаракат қилинмоқда. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида эса жамиятда яна бир қўшма қорхонани ишга тушириш режаланган. Америка давлати билан ҳамкорликдаги янги қўшма қорхонада радиоалоқа тизими бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу жамоанинг кутлуг байрамга муносиб туҳфаси бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА.

Фотима ҚОСИМОВА

Бағри кенглик — дили очик, сермулохазали, феъл-атвори босиқ, вазмин, кечиримли инсонларга насиб этган фазилатдир. Бағри кенг одамлар энг аввало инсонпарвар бўладилар, ўзгалар ишқиди ёниб, бошқаларга кўп нафаъа тегадиган шовзолардир. Худди донишмандлардан бири «Бошқаларга шодлик ато этиш — энг ноёб шодликдир», деб улуғласа, «Яхшилик қилиш, — дейди бошқаси, — ҳар қандай юксаклик сари ташланган қадамдир».

Ҳа, бағри кенг одамлар яхшилик қилишни узларининг бурчлари деб биладилар. Мақзур фазилат халқимизнинг сифатига айланиб қолганлиги ҳам беҳиз эмас.

Мана, эътибор беринг, «АВЕСТО»да бағри кенглик мадҳ этилапти.

«Зардушт Ахура Маздадан (олий илоҳ) сўради:

— Эй Ахура-Мазда! Эй оламлар нури! Эй яхшилик дунёсини яратувчи! Эй Ашаван! (Ҳақликнинг, ростликнинг издоши).

Сен Ахура Маздасан, Мен — Зардуштман.

Сўйлачи, мендан бошқа одамлар ичидан яна кимдан хол-аҳвол сўрдигар? Кимга Ахура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?»

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй Ашаван Зардушт!

Мен Ахура Мазда — сен — Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб

кенгликлар ато айла. Сурувлар, тевалар уори ва одамлар сени кўрсинлар!»

Шундан сўнг, Жам ёр юзига бир одим кенглик баҳш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уори, одам келишди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни Ватан тутишди».

Ҳа, Тангрининг бандаларига қилган яхшиликлари кўп, адоги кўринмайди. Бағри кенгликнинг олий даражасида англайдиган ҳам, унга амал қиладиган ҳам Парвардигордир. Сахиларнинг сахийси ҳам — Эгамдир. Унинг муруввати бандаларига шунчалик серобки, санашнинг иложи йўқ, беҳисобдир. Бағри кенглик бобиди ҳам сарқору сардордир. «АВЕСТО»да Олий илоҳ — Ахура Мазданинг бағри кенглиги ҳақида мисоллар жуда кўп, аммо улар бир-бирини тўлдириб, янги-янги қирраларини очверади. Бу ҳам ажодларимизнинг этуклигидан, ақли донишлигидан нишондир. «АВЕСТО»ни бот-бот ўқиб, шундай улусога келасанки, ҳайратдан таажжубланиб беихтиёр ёқа ушлайсан. Шундай катта ҳажмдаги кўлэзмамининг, айна вақтда мазмундорлигидан лол қоласан. Сермазновилигидан ақлинг шошади. Бағри кенглик ҳам шундай мадҳ этилган-ки, Сизни ўйга толдираверади.

Илоҳий китобда Тангрининг бағри кенглиги мароқ билан мадҳ этилиб, турли хил шаклда тараннум этилган.

«АВЕСТО» БАҒРИ КЕНГЛИК ҲАҚИДА

кўёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан («Гўзал» маъносини англайтиб, ярим Худо, ярим Одам) хол сўрдим ҳамда Ахура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим».

«Эй Зардушт!

Мен — Ахура Мазда — унга дедим:

«Кулқол сол, эй Вайвангонинг ўғли, кўёш юзли Жам!

Сен жаҳонда ментинг динимдан огоҳ этгучи ва динимни элтгучи бўл!»

Эй, Зардушт!

Шунда кўёш юзли Жам менга жавоб берди:

«Ким Ахура-Мазда унга макон тикди, Чўг қоли Хара (Памир-Ҳиндиқуш) Силсилали ҳам мунавар У ерда йўқ зулмат, тун, На совуқ, на жазирала, На марговар беморликлар, На дев-жислар кирдиқори — Емонликлар, На чаң-тўзон, туманлар ҳеч Кўтарилмас юксак Ҳазрат устига. Барҳайёт вайшлар бунёд этдилар Бу улғу маконни. Башорат ва эътиқод учун Бус-бутун Хуришди жаҳонни, — Юксак Хара узра Митра (илоҳ) Кўзатар даҳри дунёни Дарҳақиқат, Илоҳнинг бунёдкорлигини, яратувчанлигини сезиш ҳам савобдир. Савоб бўлган гуноҳни ажратишда ҳам ўтмиш-долларимизнинг фаросати зўр, зеҳни ўткир бўлган.

Олий илоҳ — Ахура-Мазда яратган эзгулик илоҳлари еттита бўлиб, бағри кенглик бобиди бир-бирига камарбаста, бир-бирига эш, бир-бирини қўллашда ҳам устаси фаранг, ушбу жараён «АВЕСТО»да қойилмақом қилиб тараннум этилган:

Етти нафар бир фикрлар, Етти нафар бир овозлар, Етти нафар ҳужумдорлар, Бир фикрли, бир сўзлар, Бир амалли, бир амаллар, Бир отадан ва бир ондан Ва биргина сарбони ўша — Яратгучи Ахура-Мазда. Бир-бировин қалбларини Кўргучи улар.

Эзу фикрат хаёлида, Эзу амал хаёлида Олқиш уйи хаёлида Еруғ йўллар аро еларқан Мангуликка элтгучи фуруғ. Ахура-Мазданинг ижоди Улар — асл Яратгучилар Бунёдкорлар, асрагучилар Ҳамийлар ва ҳаломаткорлар Улар хоҳиш — иродаси билан Мавжудотни ҳаёти чорлар, Мангуликка, безаволикка, Хазон билмас, чирмас абёд Турикликни бошқардилар... Фақрларини боқшар улар Сигинаман баҳт-шодлик ҳақиқ...

Ҳа, инсоний фазилатнинг гултожларидан ҳисобланмиш бағри кенглик ҳислати «АВЕСТО»да қойил қоларли даражада мадҳ этилган. Унинг ибратли томонлари авлодлари учун маънавий озуқа бўлиб қолаверади.

Мусоқул УСМОНОВ, профессор.



Бугунги кунда маҳалларда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бундан сиз суратда кўриб турган Ҳамза туманидаги Соҳиб Азимов маҳалла гузары мисолида ҳам кўришингиз мумкин.

ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорига асосан республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, билим асосларини пухта ўрганиш ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими бўйича кадрлар тайёрлаш учун қўллаб қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар очилмоқда. Жорий йил охиригача ҳаммаси бўлиб 102 та касб-хунар коллежи ва 15 та академик лицейлар очилиши режаланган.

Куни кеча «Ўзқоспонам»нинг Экспо залида касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун тайёрланган янги жиҳозлар, ўқув ускуналари, анжомлар ва бошқа янгиликлар намойиш қилинди. Тадбир давомида хорижий тиллар (лингфон) хонаси, радиоаппаратура ва уларни ўрнатиш устахонаси, физика, информатика, био-

логия-анатомия хоналари, «Кизил тонг» ва «Юлдуз» корхоналарида коллеж ва академик лицей ўқувчиларига мўлжаллаб тикилган ўқув кийимлари ҳамда «ДЭУ мотор» заводида ишлаб чиқарилаётган автомобилларни бутлаш қисмларини ишлаш жараёни хоналари мутахасислар эътиборига ҳавола этилди. Бу кўргазмада лингфон хонаси айниқса барчанинг эътиборини ўзига жалб этди. Бу хонани «ЎзРосолитгоҳ» қўшама корхонаси ва «М С ЕРКҲга» корхонаси жиҳозлаган. Энг муҳими, лингфон аппаратурани ўзимизда — Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилиб, сифати, ташқи кўриниши ва бошқа кўрсаткичлари бўйича Япониянинг машҳур «Сони» фирмасиникидан қолишмайди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб беради.

Биз билан суҳбатда жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни учу-

кур ўрганишга мўлжалланган академик лицей директори Жуманазар Ҳасанов жумладан шундай деди: «Мен ўзимизда шу каби жаҳон андозаларидан қолишмайдиган лингфонлар яратилганидан жуда хурсандман. Шу кетишда биз четдан валютага ўқув анжомлари сотиб олмади, балки ўзимиз ҳам экспорт қилишимиз мумкин бўлади. Бу лингфонлар ўқувчиларимизни хорижий тилларни тез ва мукаммал ўрганишга, энг асосийси, тўғри талаффуз қилишга ўргатади.

Ҳа, буюк келажакимиз бунёдкорлари бўлиши ёшларимизнинг замонавий билим олишлари, етук инсонлар бўлиб етиштирилиши учун қанчалик кўп шарт-шароитлар яратсак, бу тез орада албатта ўзининг тотли меваларини беради.

Илхом ШЕРМУХАМЕДОВ.

«Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ этгучи бўлиб тутилмадим ва ўрганмадим!»

Оламини яратган, барча жонлиқ жонсизларнинг эгасига бундай кўрс жавобининг бўлиши шубҳасиз уни ранжитиши турган гап эди. Аммо Олий Илоҳ шундай қалтиш пайтда ҳам, бағри кенглик қилиб, мурувватини аямди. Кўёш юзли Жам Ахура — Маздани ишончли ёрдамчиси бўлиб қолаверди ва шаҳриёри бўлиб қолди.

«Авесто»да ана шу руҳ сингдирилган. Мана, Олий илоҳ Ахура-Мазданинг бағри кенглигига эътибор беринг:

«Жуда кўп, дейилган «Авесто»да, — гўзал ва роҳатбахш сарзаминлар, юртлар, кишворлар бор. Уларни ҳам мен — Ахура-Мазда — бунёд этдим».

Аждодларимизнинг илоҳий китобидаги калималар уларнинг Парвардигорига бўлган эътиқодини янаям мустаҳкамлаб ибодат қилувчиларни бағри кенглик руҳида тарбиялаган. Тангрининг бағри кенглигидан бандалари роҳатланганлар, орзу-умидлари ушалиб, шукроналик ҳолатлари мавжланган. Оллоҳнинг бандаларига кўрсатаётган бағри кенглигини билиш, англаш ҳам ақлликидир.

Одамзот пайдо бўлибдики, ҳаммаша яшаш учун кураш уларнинг қисмати бўлган. Табиатнинг қийинчиликлари уларни синовдан ўтказган. Илоҳсиз қолган пайтларда ОЛЛОҲГА сизини наҳот сўраганлар. Шундай пайтларда Тангри бағри кенглик, мурувватларини аямай, одамларнинг оғирини енгил қилган. Ўзининг беназир неъматлари билан одамларни сийлаган. Бу ҳолат «АВЕСТО»да шундай тасвирланган:

«Сурувлар, тевалар уори ва одамлар — дейилган «Авестода», — заминдан жой тополмади».

Шунда ҳам ёруғлик сари, Жанубга томон қўёш кенгликларига йўл солди ва заминга заррин «сувро» (олий илоҳ томини) ҳамга тақдим этилган (Муҳр) воситасида ҳаво пурқайди, заринишон «аштра» камчини (Олий илоҳ тақдим этган) билан саваллади-да шундай деди:

«Эй Спандормаз (Замин илоҳи)! Шафқат нуруларини замин узра ёғдир,

Мусоқул УСМОНОВ, профессор.



Китоб ўқиш бизнинг сеvimли машғулотимиз.

ПЕШОНАМИЗ ШЎР ЭКАНДА, АЙЛАНАЙ

— Вой, айланай Рузвон буви, нимасини айтасиз. Ичимга чироқ ёкса ёрмайди. Кўнглим бирам гаш, бирам гашки, кимдан, нимадан алам олишни билмайман. Бўйгинанг ўсгүр қизининг бахтининга-си очила қолмаяпти-да. Худди биров атайлаб йўлни бойлаб ташлаганди. Бормаган жойим, чертманг эшигим қолмади. Домлага ўқитдим, отин бувига «чилёсин» қилиб кўчиртирдим. Бай-бай-бай, бу фолбинларни айтмайсизми? Биттаси у деса, биттаси бу дейди. Охири қайси бирининг гапига ишоншига ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Отаси раҳматлик «Фолбиннинг гапига ишонган кишининг хотини талоқ» деб беҳиз айтмас эканлар...

... Кўйинг-ей, ўлибдими, мен билан маслаҳатлашмай бировга кўнгли қўйиб. Тагин ким билди дейсиз. Уртада шайтон бор, айланай. Тунов куну эшик «ғийқ» этиб очилди.

Бундай қарасам, Раъноҳон — қизим. Туриши бироз бошқачароқ. Ранги синиққан. Лабимни тишлаб қўя қолдим. Ахир, боланинг ўз дарди ўзига етмагандек, меники бормиди энди.

Ха-ҳа айланай. Тагинам юраги дарё экан. Бўлмаса шу вақтгача ич-этини ёб қўяди. Ахир, бу тенгилар икитанинг онаси бўлиши тизинибди-я. Мана ўзимизни олинг. Ўн еттига кирмасдан «тақ» этса «совчи келди» деб эшик қирқилди. Тўғрими?

Ана, ана ўргилай. Ҳаммасидан ҳам «ниҳок кундаги шайтон йигимни айтмайсизми!»

Тўрт фарзанд кўрдик. Қурмағуларнинг умри қисқа экан. Кўзимнинг оқу қораси мана шу қизим қолди.

... Вой, нима деяпсиз, Рузвон буви! Бўлишганимиз. Бир эмас, бир неча бора. Ҳаммаси берарибдан қоцади. Киз боқиб уларга текинга бериб

Ҳажвия

юборақолсам. Ахир, болам ердан чиқмагандир. Отаси бўлмаса ҳам алифдек тоғалари бор бошида. Қандай оғир замонлар бўлишига қарамай, чолим тушмағур ботмонлаб берган бизга ҳам. Йигитнинг марди уйланди. Чидганга чиқарган.

... Ҳа, йўқ, айланай биласиз-ку мени. Ўлибманми оғизимнинг бир бурчагидан чиқариб. Бундай ўйлаб кўринг. Келиннинг ўзига қилиш керакми, жилла қуриса ўн шидрадан бош-оёқ кийим. Йигирмадан, ўттиздан қилаётганлар бор тасаддуқ. Ахир онаси, қариндош-уруғлари бор. Уларга қилиш керак. Акмасси туришга чиқиб, укамнинг ўғиллари битта сарпо кийиммаса, умрбод биздан домангир бўлмайди-ми, айланай.

Ҳозирги тўйларни кўрмасиз. Йилдан-йилга ошиб ке-

тапти. Одамлар ким ўзарга тўй қияпти. Биз ҳам улардан ортада қолсак, уят бўлар. Ҳа, хотин олиб уч қоп ун, икки қоп гуруч, тойдек бир қўй бермаса, қанақа қўёв. У. Сут ҳақи-ку, ўз йўлига бу-сиз бўлмайди. Олдинги бўлишган совчиларимиз ҳам шундан айнишди. Улардан атиги 300 доллар сўраганиди. Қулиб ўтирган одам тўнини бирдан тескари кийиб олди. Кейин эшитсам: «Қизимни Мирзақаримбойга берсин» деганмиш. Вой, ордо-на-ей. Мирзақаримбой қаерда-ю, биз қаерда. Агар ўша айтади сизни девордармиён қўшни деб. Қизимнинг бахтини мен эмас, сиз кўролмаяпсиз. Алам қилмай қўя-қолсин. Мен сизга ўхшаб ўз қизимни текиндан-текин қўш-қўлаб бериб юбориб бўлман. Ҳа, ўзим кўрдимку, Арзанда қўвингиз юборган

аччиқ ичакдек чўзилиб ётган қўйни-ю, сарпо суруқларни. Йўқ, мени ўзингизга ўхшатмай қўя қолинг.

Бўйгинангдан онагинанг ўргилсин, ана қизим ҳам келиб қолди. Дилмига олгандаки кириб келдимки, бас. Энди пешонасини ярақлайди. Ҳали кўриб тура-сиз, тойчоқдек қўёв «қизингизни берасиз» деб остонамга ётиб олсинки, баъзилар ҳасаддан ичи қуйиб ўлсин.

... Қўй, нега жонингга тегади қизим. Битта сеними 26 га кирган, уялсанг. Ҳали шундай қўёв...

... Нима-нима? Ўзим топдим? Хой-хой, тавба қилдим де. Онагинанг юзига шу сўзни айтгани уялмайсамни, бўйгинанг келсинлағур.

Кулманг Рузвон буви, сиз ҳам ярамга туз сепаиб. Нима қилай, осмон узок, ер қаттиқ. Тақдир шу эканда, ўргилай.

Садбар хола сўзини оққа кўчирувчи

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Шарқ гурғоналари

«ОЗ-ОЗ ўНГАНИҚ» ДОМО БЎЛУҲ...

◆ Искандар сўзидан: «Ваъда бериб бажармаслик нақадар қабих иш, гапирмай туриб, иш бажариш эса қандай чиройли! Қўтыя:

Гапирмай бажарган мард киши бўлар, Гапириб бажарса ярым марддир у. Гапирса-ю, бироқ бажармаса ҳеч, У тўлиқ номарддир, эл ичра кулгу!

◆ Кишининг толган овқати ҳалол ва покиза бўлса-да, бироқ ундан кўп еса, куйидаги зарарлар ҳосил бўлади.

Биринчи, кўп ейишдан эзилиш, баъзан ўлим ҳосил бўлади. Кишида фикр ботил бўлади. Ҳақимларнинг айтишича, меъда қозонга ўхшайди ва у доим юрак остиди қайнаб жўшиб туради. Ундан чиққан ҳарорат ва буг ўражака таъсир қилиб, унда бузилиш пайдо қилади. Бошқаларнинг айтишича, мия гўёки бир уй бўлиб, ақл эса уни ёритувчи чирогдир. Меъдадан ҳосил бўлувчи буг кучи мянга борган, ақл чирогининг нурини пасаптиради.

Иккинчи, одам кўп еб, кўп овқатланшга ўргангани сари унда овқатга бўлган ҳирс ошаверади. Шунинг учун устод Абу Жаъфар: «Ошқозон ажаб аъзодирки, оч қўйган саринг тўқлиги ошади, тўйдирган саринг очлиги кўпаяди!» — деган эди.

Учинчи, кўп ейишдан ваҳима ва касаллик кўпайиб, фаҳму фаросат пасаъди. Шунинг учун олимлар: «Кўп ейиш зийраклик ва доноликни йўқотади!» — дейдилар. Бошқа тоифа табиблар эса: «Кўп ейиш ақлни ёмонлик томон ўзгартиришдир!» дейишади.

Тўртинчи, кўп ейишдан тан оғирлашади, бадан сустлашади, бундай ҳолатдан эса уйқусиз қутулиб бўлмайди. Шунинг учун: «Кўп едигини ўзингиз қотган ҳисобла!» деган эди баъзи донолар.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

◆ Эй азизим, сенинг бу нафсинг еб тўймайдиган хасис нарса. Агар унга йўл берсанг сени балолар домига туширади. Унга қарши курашсанг уни енгиниш мумкин. Йўқса сени офатлар чоҳига гарк қилиши муқаррардир. Шёър:

Очқўзларнинг бадавлат бўлгани ким кўрибди, Тулмагунча қўзига тупроқ асло тўймайди!

◆ Келтиришларича, Анушервон замонасида икки киши бор эди. Бу икки киши Анушервон ташкил этган ўтиришларда ҳозир бўлар эдилар. Бир кун ўтиришда улардан бири баланд овозда куйидаги назмин ўқиди:

Яхшиликим қайтсин десанг сен, Яхшилик қил, яхши ўй ўйла! Иккинчиси эса куйидаги байтни ўқиди:

Ёмонликим қайтмасин десанг, Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма!

Бу байтлар Анушервонга ёқиб қолди. У биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам ва иккинчи байтни ўқиганга беш юз дирҳам бериб юборишни тайинлади. Ҳозир бўлганлардан бири Анушервондан: — Эй одил амир, уларнинг байтлари битта маънога эга, нега тўхфани икки хил бердинг! — деб сўради.

Анушервон унга шундай деди:

— Сўзлашда тафовут катта, биринчисининг сўзи бошидан-оёқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчисиники эса фақат ёмонликни эслатди. Яхши гап ҳам ёмоннинг оғзидан ёмон бўлиб чиқади, кимнинг юрагида яхшилик бўлса доимо яхшиликни зикр қилади, ёмон кишилар эса ёмонликдан гапирдилар! Байт:

Чинни қоса қачон садо қиладур, Ўз сифати мадҳин адо қиладур!

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ Ўз юкени ўзи тортай, бошқаларга ташлаб қўйган киши охири хор бўлади.

◆ Жоҳил кексадан ақлли ёш яхши.

◆ Ёшлиқда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

◆ Пишай десанг, сафар қил. Сафарда беш фойда бор: кўнгли ёзиш, куч тўплаш, мол йиғиш, илм ва одоб ўрганиш, доно кишилар зибратиди бўлиш.

◆ Кимки халққа қандай муомалада бўлса, халқ ҳам у билан шундай муомалада бўлади.

◆ Нонсиз эл бўлмас, кўппаксиз қишлоқ.

«Аталар сўзлари»дан.

◆ Азизим, гурбат олами сенинг вужудингга етгани ва айрилиқ гармсели гулшанинг сари эсгани йўқ. Сафар шундай дарахти, фирқадан ўзга мева қилмайди, гариблик эса шундай булутки, гам ёмғиридан ўзга томчиларни ташламайди. Йўл азоби — гўр азоби деганларидек, ҳақиқатан ҳам у дилни куйдирувчи бир шушўладирки, жигарни пора қилади. Демак, энг яхши йўл шуки, кишининг азиз дўстлари бўлатуриб улардан сафарни устун қўймайди, натижаси оху фироқ ёшидан иборат бўлган ёру дёр айрилигини ўз ихтиёри билан қабул этмайди. Чунончи айтадилар:

Ватанин тарқ этмоқ ҳазла иш эмас, Бу иш учун ҳар ким тоб беравермас! Жудлик дарахтдир барги йўқ, ёлғиз. Барги бўлса ҳамки, аммо, мевасиз. Бугун айрилиқдан юрагим гирён. Азиз ёрни қўлдан чиқариб ҳайрон На кўзга уйқу бор, на дилда роҳат, Азоб ўти барин айламинг горт!

Ҳожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ Ҳақимлар айтади: — Ваъдага вафо қилмайдиган кишини яхши кўришдан кўра хавфлироқ ва яхшилик қилсанг билмайдиган одамга яхшилик қилишдан кўра зиёнлироқ нарса йўқ!

◆ Баъзи сўз қилишдан ўткир бўлади.

◆ Жим туриб саломат бўлиш, гапириб маломатга қолмишдан афзал.

◆ Инсоннинг ҳақиқий қиммати унинг илми ва шу илмига қилган амали орқали билинади. Демак, инсон ҳақиқий қимматга эга бўлиши учун илм ўрганиши ва одобли бўлиши зарур!

Мухаммад ЗЕҲНИЙ.

◆ Ишни пайти келгач, айланай оғоз, Замоннинг зайлига қараб бошла боз, У ўғри қишиқ тортиб неча ранж, Тааб қилб тунда қишради ганж. Тараннум қиламан чиройли суруд, Белидан ушламай турганила ую! Дехқон деб ўйлама ҳар ким соғса доп, Доппидан доп чиқса ўшадур дехқон!

Низомий ГАНЖАВИЙ. Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Шегарият

Йўлдош СУЛАЙМОН

ГУЛ ХУШ БЎЙИ УҒУРАБИ ИЗАЛАРИНГИЗБАН

ПОШКЕНТ ИҶТИМОИ

О, бунчалар шўхгинасиз, Тошкент гўзали, Ловулаган чўғинасиз, Тошкент гўзали. Ақлу идрок ёғилади, изларингиздан, Симоб каби эриб кетдим сўзларингиздан, Гул хуш бўйи уғиради изларингиздан! Яноғингиз хаёлидан кўйди титроғим, Йўлингизга шитизордир гўлзору боғим. Нигоҳимдан уқдингизми дилим сирин Сиз, Нозланасиз-нозланасиз, қандай ширинсиз. Ойми десам Сиз ойдан ҳам ўтиб тушасиз, Дунёда энг барно кимдир, худди ўшасиз! Қачонгача азиз умрим ўтар маънисиз, Ёнганча ёнди Йўлдош, эй, Сиз, қаписиз?!

СУҲСА ЖОНИДАЙ

Севишганлар «икки руҳи битта бадан»дир, Ҳаммамизни пиширган ҳам ўшал бир тандир. Бир-бирини англаганлар ягона шабодир, Халқ дегани асли ўзи она-Ватандир! Иккита руҳ бир баданга жойлашганидай, Бир-бирини ардоқлашиб, суёса жонидай Уша фарзанд, ўша оғам, ўша отамдир, Юрт бир тану бир жон бўлса — она Ватандир

ЯШАМОҚҚА ЧОРАНГ

Ўзига сизмаган юракни очсам, Унинг ҳовурини озгина сочсам, Оламни кўйдирар аланга бўлиб, Юзу нигоҳларда муҳаббат тўлиб — Гофиларга ишқий дилин ёради, Маъжун дарди билан кириб боради. Лоқайдликни эса, матом ёндириб, Туйгулар ўтига Сизни қопдириб, Яна муҳаббатнинг бағридан бўйлар! Яшамоққа чорланг, эй, ширин ўйлар: Фафлатда қолмасин қалблару онлар, Фақат муҳаббатдан сўз очсин тонлар!

АЙРИЛИК


Чарақлаб кетибсан, ойдойин тўлини, Зулфингга тегдими кимнингдир қўли. Бежо туришингдан бўлдим паршон, Қани, ишқ шивир, ўртадаги шаён?! Боши берк кўчада турибман, ишон, Нигоҳинг ёнати бу недан ишон?! Шулмиди умидим, шулмиди сўзлар, Не дер бир-бирига термулган кўзлар?! Юрарга мадор йўқ, йўлни узокдир, Хаёлимни тутган қайси тўзоқдир? Ёшлиқнинг аламли шўхлигин билдим, Куллигимдан кўнглинг тўқлигин билдим. Лоқайдлик отилган ўқлигин билдим, Шикоятга ўрин йўқлигин билдим. Кўз ёшим дарёси гарқ этди мени, Ва яна ўзимга шарҳ этди мени. Ниқинг саҳросида қуйиб мен қолдим, Қовжирган хасга гўё тенг қолдим. Айрилиқ Йўлдошнинг ё этиб қўйди, Лек ўтни дилимга жо этиб қўйди!

ҲАДИК

Севи дарёсида яйраб чўмилиб, Лаззат кучоғига гўё кўмилиб, Эртанинг ишқиди яшар эдим мен, Давондан давонга ошар эдим мен, Саодат боғини оралаб ҳадик, Икки қўшдай қанот қоқма олмадик, Ниҳоний қарашлар йўқитди мени, Дарёмиз соҳилага тўқитди мени. Сен қўйи, мен эса, энди сўнган шаъм, Сен муҳаббат тонги, мен эса оқшом. Йўлдошга ўз ҳоли қиялти наъша Яшашга керакми шунчалар ҳашам?!

ПОШ

Шарқий қирғоқлардан отаётган тонг, Сендан баҳра олиб, серакланган онг — Ҳаракатга тушиди энди аҳд билан, Идрокни сочди сендай шахд билан. Топг ховли юзини суғурган жонин, Нонуштага синглим шошиб ёнган пон. Онам бошим силлаб уйғотган дамсан Борлиқнинг доғини ювган шабнамсан. Юзимни сийпалар муҳаббатли ел, Кийимлари оппоқ нозаним кел!



Мана, ҳадемай ёғи таътил ҳам тугаб, ўқувчилар яна мактаб кучоғига отланишади. СУРАТЛАРДА: болалар ота-оналари билан шахримиз савдо дўконларидан ўқув қуроллари ва анжомларини харид қилишмоқда.

Биласизми?

ҚИЗ УЗАТИБ ОТ МИНГАНЛАР

Қадимий туркий қавмларда миллодан анча илгари даврлардан то миллодинг VIII аср бошларига қадар аёллар дуохон бўлишган эканлар. Сочарини эса худди тож шақлидаги қимматбахо бош кийим янглиг турмаклашиб, жингалак қилишиб, ёнарига осилтириб ҳам юришган. Улардаги тўй-ниҳок одатлари ҳам гоаят қизиқарли бўлган.

Тўйдан олдин қуда-қудагайлар бир-бирларига от ва сигирлар тақдим қилишган. Тўй кунлари белгиланиб, ваъдалашилгандан кейин шартлашган кундан кечиктирилмай дарҳол тўй маросими бошлаб юборилган. Тўй айна кизгин паллага кирган вақтда қувё тарафнинг қариндошлари кўпгина отларни арвалар билан ҳосил бўлган катта айлана ичига қамашиб, келин томоннинг қариндошларига улардан хоҳлаганларини ташлаб, агарлаб, отлик ҳолда тўсиқдан чиқиб кетишларини шарт қилиб қўйишган. Отларнинг ағалари эса тўсиқнинг сиртида туриб, қафтлари билан

чапак чалиб отларини хуркитишга ҳаракат қилишган. Шу вақтда отни ташлаб агарлаб минган киши отдан йиқилмай тўсиқдан чиқиб кетолса, от шу минган кишиники бўлган. Агар отдан йиқилиб тушса, у киши яна бошқа бирот отни ташлаши мумкин ҳисобланган. Шу тарика киз, яъни келин тараф қариндошларининг барчаси биттадан отга бўлгандан кейингина бу расм-русум яқунланган. Тўй кун киз билан йигит меҳмонларни қимиз, қимрон ва пиширилган мазали гўшлар билан қуттишган. Тўйга келган меҳмонлар дастурхон атрофида ўтиришганда тури, қуйи деган фарқлашлар мутлақо бўлмаган. Меҳмонлар ўтов ёнгинасидан қуюқ, қалин ўлқода тўп-тўп бўлиб ўтиришган. Кун бўйи қимиз, қимрон ичишиб, гўштхўрлик қилишган. Хоҳлаганлар эса кечани тонга улаб, ўйин-қулги, қисса-хондик, шёрхонликлар қилишган. Тўйнинг иккинчи кун киз ота-онасининг уйига бориши расм бўлган. Айнан ҳозирда расм бўлиб келаётган «Чаллар»га ўхшаш бўлган «Чаллар» деган расм-одат худди уша олис мазийдан бизга шу тарика мерос бўлиб келаётган бўлса ажаб эмас. Тўй маросимлари шу тарика йилда бир бор ёз, айни пишиқчилик фаслида ўтказилиши ҳам удумга кириб қолган экан.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ.

Тегишув

Бизга сир эмаски, кўпини давлатлардан божхона чегараларини четлаб ўтиришга олиб ўтилаётган турли озиқ-овқат маҳсулотлари юртимиз бозорларида тез-тез сотилиб турибди. Бу контрабанда йўсиндаги қора савдо мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига маълум даражада тўсиқ бўлмақда. Шу сабаб бу илатга қарши курашга кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳозирги кечиктириб бўлмас долзарб чоралардан биридир.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ МУҚАДДАС

Контрабанда йўли билан юртимиз бозорларида сотилаётган мой, тамаки, шакар, айрим қандолат, спиртли ичимликлар ва бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотлари тиббий санитария кўригидан ўтмаган, экология жиҳатидан хавфли, яроқсиз ҳолатда эканлиги ҳаммамизни ташвишлантирмоқда. Ваҳоланки, ана шундай маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида кўп ҳолатларда захарланиш ҳоллари қайд этилмоқда. Бу гаърийб савдонинг яна бир ёмон томони шуки, ундан тушган катта даромадни назорат қилиш мумкин эмас. У тўридан-тўғри ташбиркорларнинг чўнтақларига тушмоқда. Бундай қўринишларнинг олдини олиш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳамда божхона ходимлари бир қанча амалий ишлар олиб бормоқдалар. Хусусан, пойтахтимизнинг «Юнусобод» деҳқон бозорига яқин ҳудудда Юнусобод тумани солиқ назорати инспекцияси ходимлари 1 тонна шакарни 250 минг сўмга кўтара сотаётган Абдуқамол Жамолов ва унинг шеригини харидор билан бор барака устида қўлга туширдилар. Шакарни сотган Абдуқамол шахримизнинг Миробод туманида истиқомат қилар экан.

Дастлабки сўроқ жараёнидаёқ кўтара

Малик НУРИДДИНОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Умумий овқатланиш корхоналарининг ҳурматли ёш вакиллари! НУФУЪЛИ СОВРИНЛАР ВА МУКОФОТЛАРНИ ҚўЛГА КИРИТИШ УЧУН ШОШИЛНГ!

Ўзбекистон Мустақиллики қўлга киритгандан буён илк бор шу йил октябрь ойида юқори тоифали энг яхши профессионал ошхона ходимлари - ошпазлар, қандолатчилар, официантлар унвони учун ҳамда энг яхши «Тематик зийфат столи» учун ҳар йили танлов байрами ўтказилди.

Танловда совринлар ва қимматбахо совғалар таъсис этилган. Улар орасида енил автомобиль, Европа ва Осие мамлакатларида ўтказиладиган кўргазма-байрамлада қатнашиш учун хорижга йўлланмалар бор.

Танловда қатнашиш шартлари:

-ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЁШИ 32дан ОШМАСЛИГИ КЕРАК;

- Ошпазлар: - танлов кун 4 хил таомнинг ҳар бириндан 25 бўлақдан/салат, 1,2-таом ҳамда ширинлик, шу жумлада муаллифлик фирми таомини/ тайерлашлари шарт.
Қандолатчилар: - 2 кг.дан 3 кг.гача вазнда бир хил торт, 1кг. печенье, 25 донадан икки турдаги пирожное ва бир хил миллий пишириқ тайёрлашлари керак.
Официантлар: - махсус тематик столи жойлаштириш ҳамда уни безашнинг замонавий дизайни ҳамда тематикага мувофиқ таомлар руйхатини тузишлари; - юксак савияда хизмат кўрсатишлари шарт.

Қизиққан шахслар ва жамоалардан танловда қатнашиш учун аризалар Ташкий қўмита томонидан Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, 2-қават, 20-хонада 1999 йил 10 сентябргача соат 9.00дан 18.00гача қабул қилинади. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқиш соҳалари департаменти. •Тел. 133-21-68.

«NAVO SAYYON TUR» ШУЪБА КОРХОНАСИ

қуйидаги йўналишлар бўйича чартер рейсларини таклиф этади:
1. Урумчи (ХХР)га 1999 йил 22 августдан 26 августгача қадар.
2. Алеппо (Сурия)га 1999 йил 3 сентябрдан.
Ҳақ турлича шаклларда тўланиши мумкин.
Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 42-уй.
Телефон: 144-82-92
Факс: 144-82-79

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, ниҳок эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларниёз саҳифаларида ёришади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин. Руйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда/:

1/ 26-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

2/ 28-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998 йил, № 3, 38-модда/:

1/ 25-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатларга номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади»;

2/ 29-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

3/ 44-моддаси биринчи қисмининг «в» банди «такрорий сайловлар ўтказилади» деган

сўзлар билан тўлдирилсин, «г» банди эса чиқариб ташлансин;

4/ 46-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда/:

1/ 25-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади»;

2/ 28-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

3/ 43-моддаси биринчи қисмининг «в» банди «такрорий сайловлар ўтказилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «г» банди эса чиқариб ташлансин;

4/ 45-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда/:

1/ 2-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатликдан иборат»;

2/ 4-моддасининг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Олий Мажлис томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин: у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда; у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда. Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари Олий Мажлис сессиялари оралиғидаги даврда Олий Мажлис Кенгаши томонидан, қабул қилинган қарорни кейинчалик Олий Мажлис тасдиқлаши шарт билан, тўхтатилиши мумкин».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган пайдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун

ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 август.



Қурилиш

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Мустақиллик байрами арафасида Собир Рахимов туманида ҳам бир қатор бинолар фойдаланишга топширилади. Туманнинг Мухбир кўчасида «Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан 300 оилага мўлжалланган 27 та ништли уйлар қурилиш жадаллик билан олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб қурувчиларнинг самарали меҳнатлари туфайли бу уйлardan ўнга яқини фойдаланишга тахт қилиб кўйилди.


Ушбу уйлarnи тез ва соз қуришда «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «159-трест» ҳиссадорлик жамияти аъзолари фаоллик кўрсатишди.

Маҳалла

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Мустақиллик байрамини Юнусобод туманидаги Ҳасанбой аҳолиси ҳам кўнгилли кутиб олмоқда. Илгари Тошкент туманига қарашли бўлган Ҳасанбой қишлоғи Юнусобод тумани ҳудудига қўшилганга бу йил беш йил тўлади. Бу давр ичида маҳаллада катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. У ичимлик суви ва газ билан таъминланди.

Айниқса бу ерда табоабат марказининг очилиши катта воқеа бўлди. Бугунги кунда табоабат маркази аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчиларга қўлланма сифатида «Ислом Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида» номли китоб чоп этилди.

Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.


Тошкентда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида имзоланган савдо, иқтисодиёт, сармоя, фан ва техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадиий академиясида мамлакатимиз истиқлолини 8 йиллиги байрамига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» деб номланувчи марказий кўргазма-танловга тайёргарлик қизгин бормоқда. Ташкилий қўмита аъзолари кўргазмада намойиш этиладиган асарларни саралашга киришди.

Бугун Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республикада Япония маданияти кунлари олдидан Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси раҳбарияти иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналари сони яна биттага кўпайди. Челақ туманида «Балтимар — Челақ» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Навий шаҳрида истиқлолнинг саккиз йиллигига тайёргарлик қизгин паллага кирди. Байрамга шаҳарда 600 ўринли касб-хунар коллежи, 15 та турли иншоот ва маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилади.



Грузияга АҚШдан 35 тонна буғдой келтирилди. Мамлакат озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирининг айтишича, бу АҚШ ҳукумати-нинг Грузияга беғараз ёрдамидир.

Канада ҳукумати юк кемаларида ноқонуний равишда мамлакатга келган 131 та хитойлик муҳожирининг 77 нафарини юртига қайтаришни режалаштирмоқда. Бу хабар фуқаролик ҳолати ва муҳожирлар масалалари билан шуғулланувчи вазирликдан олинди.

Косовода вазият кескинлашган пайтда француз ҳарбийлари миссияси инсонпарварлик тадбирларида иштирок этиш учун Албанияга киритилган эди. Франция мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, мамлакат ҳарбийлари Албанияда ўз мажбуриятини адо этди ва энди ватанига қайтмоқда.

Миср Президенти Хусни Муборак ва Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот кеча Александрияда учрашиб Вашингтонда имзоланган Исроил — Фаластин шартномасининг бажарилиши муҳдатлари ҳақида музокаралар юритишди.

Грузиянинг Омала қишлоғи яқинида 9 август куни хорижий давлатга қарашли ҳарбий самолёт пайдо бўлгани ва мино ташлагани билан боғлиқ можарога яқун ясалди. Россия ҳамда Грузия мутахассислари ўтказган қўшма текширувлар натижасида жанговар самолётлар Россия ҳарбий ҳаво кучларига тегишли экани ва улар англашилмовчилик ва оддий хато туфайли миналар ортлган контейнерни Грузия ҳудудига ташлагани аниқланди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг Россия Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга таяниб тарқатган хабарига кўра, Россия томони Грузиядан узр сўраган ва бу англашилмовчиликдан хижолатда эканини билдирган.

Америкалик олим Майкл Роуз инсон умрини узайтириш бора-сида янги кашфиёт яратди. У тирик организм ҳужайраларини қайтадан яшартириш имконини берадиган генетик механизмини ўйлаб топди. Бу эса ҳаётнинг абадийлашувига яқин қолди, демакдир.

Американинг Ойдаги «Клементина» деб номланган зонди Ойнинг бизга кўринмас томонида жуда катта чуқурлик борлигини аниқлади. Бундай улкан чуқурлик Куёш тизимидаги барча сайёраларнинг биронтасида ҳам йўқ. Унинг чуқурлиги 13 километр бўлиб, айланаси 2500 километр дур.

ВАТАН ОЗОДЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис XV сессиясидаги маъзаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаёт, замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Шунга монанд равишда жамиятимиз, унинг узлуксиз қисми бўлиш парламентимиз ҳам, депутатлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Мен бугун сиз азишларнинг юзингизга, кўзингизга қараб, сизга ишонч билдирган миллионлаб сайловчилар олдида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз, халқимиз ўтган даврда қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида парламентимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Халқимиз, сайловчиларнинг олдида, ўз вадонингиз олдида - мен бурчимни ҳалол ва сидқидилдан бажо этдим деб айтишга ҳаққингиз бор, албатта. Мен бу ҳақиқатни катта фахр ва катта лойиҳа билан таъкидлаш лозим деб биламан.

Муҳтарам халқ ноиблари! Бугун мана шу минбарда туриб сиз азишлар билан олдимизда турган ўта муҳим бир вазифа бўйича фикр алмашиб олмақчиман.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимиз, халқимиз ҳозир муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар арафасида турибди. Бугунги сессияда Президентлик лавозими ва Олий Мажлис депутатлигига бўлажак сайловларнинг муддати белгиланади. Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида ортирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади.

Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари айниқса яққол намоён бўлади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда биз бугун мамлакатимизда мавжуд бўлган вазиятга, авваламбор танқидий баҳо бериб, саккиз йил давомида барпо этилган, авваламбор Конституциямиз, қабул қилинган қонунлардан иборат ҳуқуқий базага ва халқаро андозаларга суяниб, таяниб, олдимизда турган улкан сиёсий синовдан ёруғ юз билан, мамлакатимиз обрўсига обрў қўшиб чиқишимиз учун зарур моддий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз даркор.

Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шу масалаларга муфассалроқ тўхталиш лозим деб ўйлайман.

Албатта, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар томо-

нидан, демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз борки, уларда сайлов масалаларига доир умумэтироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукамал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз - қабул қилинган қонунларимизга, эътироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя этишни таъминлашдир.

Шу ўринда демократия принциплари, тараққий топган давлатларнинг қўллашга арзийдиган тажрибаси бизга ёрдамга келиши керак.

Бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, бундай мамлакатларда аҳолининг, аввало сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабатлари, сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларга тайёргарлик ва ўтказиш тартиблари кўп - ўн, балким юз йиллар давомида шаклланиши ва кўп синовлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.

Ҳисобга олиш дегани, аввало, уларни синчиклаб ўрганиш, танишиш, сайловчилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришда, мутасадди ташкилотлар ва фаоллар билан ўқув машғулотлари ва семинарларини ўтказишда бу илғор тажрибаларга суянишдир.

Яна бир бор шуни таъкидлашни истардимки, бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини чуқур англаши энг муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир хунук ҳолатларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва тартибларга биноан, кўппартиявийлик асосида ташкил қилинган сайловларда бир депутатлик ўрнига камида тўрт-беш номзод бўлишни ҳушйимиз табиийдир. Шуни қисибга олсак, сайловларга тайёргарлик пайтида баъзи номаъқул ишларга берилиш, сохта ваъдабозлик, одамларнинг мойиллигини уйғотиш мақсадида ғайриқонуний ишларга қўл уриш каби носоғлом кураш авж олишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилчилик белгилари асосида ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равишда бир-бирининг обрўини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни «ўйинлар» уюштириш сингари ноҳуш ҳолатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди. Минбарда туриб, тилга эрк бериб, ваколати бўлмасдан туриб халқ номидан гапиришга ҳеч кимнинг, ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Депутат бўлишни истаган одам аввало ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан

устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин.

Сайловлар, уларга тайёргарлик ҳақида гап борар экан, кўраётган барча тадбирларимизнинг асосий мезони, асосий мақсади деб ягона муҳим вазифани кўрмоғимиз ва шунга эришмоғимиз даркор.

Барча сайловларда тайёргарлигимизнинг асосий мақсади - **ҳар қайси овоз берадиган инсон - у кимга овоз беришидан қатъи назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами, - аввало ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин.**

Мана шу мақсадга эришган ҳолда сайлов натижаларидан қониқиб ва мамнуният ҳосил қилиш мумкин.

Яна бир муҳим фикрни такроран айтишни лозим деб биламан. Ҳар қандай партия, агар у ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Бундан кўрқмаслик керак.

Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдорлари ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор.

Янада содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари ўзлари кўнгул қўйган партия ёки шахс нима учун курашаётгани ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари ва аниқ позицияларга эга бўлишлари керак.

Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқа-ўнгига қарамай фақат мақташ билан ҳеч нарсага ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечилмайди. Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айни вақтда минбарбозлиги митингбозлик, турли хил ҳавойи бақириқ-чақириқлар билан ҳам бирор туп дарахт кўкариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

Шунинг учун ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, сиёсий-ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, бугун халқимизни қизиқтирадиган долзарб масалалар бўйича - у сиёсатга тегишлими, давлатни, жамиятнинг бошқаришга, ҳаётни яхшилашга дахлдорми, - вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириш керак. Уларни асослаб, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, авваламбор миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор.

Мен бу сайловларда барча партияларимизга омад тилар эканман, уларнинг битта ақидага амал қилишларини истар эдим: сиёсий курашлар тарихидан маълумки, жаҳондаги кўплаб партиялар ур-йиқит, жанжал-сурон орқасида «обрў» топишган бўлса, сизлар эса, барака топкурлар, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў топинг.

Албатта, сайлов каби ғоят муҳим воқеа ва масъулиятли ишда шошма-шошарликка сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир марта такроран айтиб ўтмоқчиман: зарур бўлса, жаҳон тажрибасига мурожаат қилиш, республикамиздаги халқаро вакилликлар, ташкилотлар иштирокида, кенг омма иштирокида тушунтириш ишларини, учрашувлар, семинарлар ўтказишни кўпайтириш, кенгайтириш керак.

Бу жараёни пухта, халқ учун тушунарли тарзда ёритиб бориш оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклайди.

Сайловларда совет давридан қолган асоратларга йўл қўймаслик керак. Кўпинча маҳаллий ҳокимият идоралари вакилларининг билиб-билмас аралашуви, ҳайбарақаллачилиги қонун талаблари бузилишига олиб келади.

Ҳар бир сайловчи ўз бурчини собиқ Иттифоқ даврида бўлгани каби сайлов бюллетенларини оила-оила бўлиб кутига ташлашдан иборат деб билмай, аввал айтганимдай, бу жараёнга онгли равишда ёндашмоғи, ўз овози жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамиятли эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият борлигини англаб етишга эришмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устуворлигига эришиш олдимизда турган ғоят масъулиятли вазифадир.

Азиз дўстлар!

Барчамизнинг саъй-ҳаракатларимиз, интилишларимиз, ақл-заковатимиз мана шу заҳматқаш ва бағрикенг халқимизнинг оғирини енгил қилишга, уни янада ёруғ кунларга олиб чиқишга қаратилган.

Чунки бу халқнинг бахт-саодати йўлида, фаровон келажакки йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак, заҳмат чексак арзийди.

Севимли халқ ёзувчимиз Саид Аҳмад акамизнинг иборасини ишлатиб айтсак: «Ўзбек халқи шундай табиатга эгаки, унинг меҳр дарёсидан бир қатра сув ичган одам бу халққа бир умр муҳаббат қўяди. Бизнинг заминимиз шундай муқаддас заминки, бу тупроқ тафтидан баҳраманд бўлган киши бир умр ўзини қарздор сезади, унга садоқатли бўлиш бурчини ҳис қилади».

Шу боис буюк боболар, азиз-авлиёлар меросини асраб-авайлаб келётган, уларнинг ҳаётбахш ўғитлари асосида ўз миллий қадриятларини шакллантириб, авлодларини шу руҳда тарбиялаётган меҳнатқаш, заҳматқаш халқимизга мансуб эканимиздан ҳар биримиз чексиз фахрланишимиз, унга таъзим бажо келтиришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларга кўнглимдаги яна бир гапни айтмоқчиман.

Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг ҳурматиға муяссар бўлганимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг қорига яраганимдан ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Бу ҳаётда бева-бечоранинг пешонасини силаган, етим-есирларга ёрдам берган,

одамларнинг оғирини енгил қилган инсон ўи бахтиёр санашга албатта қилиди.

Аммо тарихн бурилиш нуқтасида, улуғ миллатни **ноҳақ тахқи хўрликдан асраш**; ун ўзлигини англаб, қадди-атини кўтариб мағрур шга давват этиш; буюқрраларга чорлаш, содда иб айтганда озодлик вркинлик, мустақиллик ваиклол йўлига бошлаш ар кимга ҳам насиб этма.

Менинг пешимга ана шундай тақдир шундай қисмат битилгқан. Мен бу қисматни ўзучун ҳам бахт, ҳам шараб биламан. Чунки меун Ватан озодлиги, халқнинг омонлиги, юртимниравнақи, мана шу муқад заминимизда яшайди ҳар бир оиланинг фарқлигидан бошқа олий сас йўқ.

Менинг бир аним борки, шу ҳақда айсам бўлмайди. Кўпчилқаторида менинг ҳам ёшимрим ўтмоқда. Давлат пари билан, мураккаб, э, ўзининг ечимини талғилиб турган кундалик муолар билан банд бўлиб нарсадан вақти келибсусланаман.

Менинг энг га армоним оддий, соқкишилар орасида кўпроқлиш. Бугун ҳаёт қийинқларига бардош бериб ётган оила - хонадонла бўлиш, ҳаётнинг аччиқ-гини бошидан кечирганхон, онахонларимиз, фийларимиз, энди ҳаётириб бораётган ёш йиғқизларимиз билан суҳбуршидир.

Шу оилаларнхурсандчилик кунларинирга баҳам кўриш. Кўрйларда, одамлар билан ашганда, қарими, ёшми ар мени ҳам тўйларинг тақлиф қилсангиз, мен уни бахтиёр сезаман ним бекорга айтилган ар эмас.

Мисол учун Аика Қўшма Штатларида мамлакатнинг энг нули ўқув юртларида таҳсолаётган йигит-қизларим билан учрашганда межалбатта тўйларингизга ирасиз, деб айтганим бежиз эмас.

Азиз дўстлар Азиз ҳамюртларим!

Аҳил ва баҳақат, ўзаро ҳамдарду ҳафас бўлиб меҳнат қилгиз, мени қўллаб-қувватанингиз учун, халқимиз, танимиз равнақи йўлидўрсатган барча саъй-ҳарқларингиз учун сизга яна инатдорлик билдиришга зот бергайсизлар.

Сиздек фидоинсонлар билан ишлаганин, орангизда қалбимгага яқин, қадрдон бўлиб қн инсонлар кўплигиданхрланаман.

Халқимиз, Вамиз бахтига ҳамиша ои бўлинг, азиз юртдошлар

Яна бир борчангизни, сизлар орқалтун халқимни яқинлашйлаётган энг азиз, энг ё байрамимиз - Мустақил кун билан чин қалқан табриклайман.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг куйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда/:

1/ 26-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш мuddати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

2/ 28-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилди».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998 йил, № 3, 38-модда/:

1/ 25-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Депутатларга номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилди»;

2/ 29-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи депутатликка номзодлар кўрсатиш мuddати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

3/ 44-моддаси биринчи қисмининг «в» банди «такрорий сайловлар ўтказилади» деган

сўзлар билан тўлдирилсин, «г» банди эса чиқариб ташлансин;

4/ 46-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда/:

1/ 25-моддаси иккинчи қисмининг биринчи жумласи куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилди»;

2/ 28-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодлар кўрсатиш мuddати тугагунга қадар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»;

3/ 43-моддаси биринчи қисмининг «в» банди «такрорий сайловлар ўтказилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «г» банди эса чиқариб ташлансин;

4/ 45-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда/:

1/ 2-моддасининг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатликдан иборат»;

2/ 4-моддасининг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари куйидаги ҳолларда Олий Мажлис томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органининг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин: у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда; у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда. Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари Олий Мажлис сессиялари оралиғидаги даврда Олий Мажлис Кенгаши томонидан, қабул қилинган қарорни кейинчалик Олий Мажлис тасдиқлаши шarti билан, тўхтатилиши мумкин».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун

ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 август.



Қурилиш

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Мустақиллик байрами арафасида Собир Раҳимов туманида ҳам бир қатор бинолар фойдаланишга топширилади. Туманнинг Мухбир кўчасида «Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан 300 оилага мўлжалланган 27 та гиштли уйлар қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб қурувчиларнинг самарали меҳнатлари туфайли бу уйлардан ўнга яқини фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Ушбу уйларни тез ва соз қуришда «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «159-трест» ҳиссадорлик жамияти аъзолари фаоллик кўрсатишди.

Маҳалла

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Мустақиллик байрамиди Юнусобод туманидаги Ҳасанбой аҳолиси ҳам кўнглили кутиб олмоқда. Илгари Тошкент туманига қарашли бўлган Ҳасанбой қишлоғи Юнусобод тумани ҳудудига қўшилганига бу йил беш йил тўлади. Бу давр ичида маҳаллада катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. У ичимлик суви ва газ билан таъминланди.

Айниқса бу ерда табобат марказининг очилиши катта воқеа бўлди. Бугунги кунда табобат маркази аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчиларга қўлланма сифатида «Ислом Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида» номли китоб чоп этилди.

Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкентда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида имзоланган савдо, иқтисодий, сармоя, фан ва техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадиий академиясида мамлакатимиз истиклолининг 8 йиллиги байрамига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» деб номланувчи марказий кўргазма-танловга тайёргарлик қизгин бормоқда. Ташкилий қўмита аъзолари кўргазмада намойиш этиладиган асарларни саралашга киришди.

Бугун Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республикада Япония маданияти кунлари олдидан Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси раҳбарияти иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналари сони яна биттага кўпайди. Челақ туманида «Балтимар — Челақ» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Навоий шаҳрида истиклолнинг саккиз йиллигига тайёргарлик қизгин паллага кирди. Байрамгача шаҳарда 600 ўринли касб-хунар коллежи, 15 та турли иншоот ва маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилади.



Грузияга АҚШдан 35 тонна буғдой келтирилди. Мамлакат озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирининг айтишича, бу АҚШ ҳукумати-нинг Грузияга беғараз ёрдамидир.

Канада ҳукумати юк кемаларида ноқонуний равишда мамлакатга келган 131 та хитойлик муҳожирининг 77 нафарини юртига қайтариши режалаштирмоқда. Бу хабар фуқаролик ҳолати ва муҳожирлар масалалари билан шуғулланувчи вазирликдан олинди.

Косовода вазият кескинлашган пайтда француз ҳарбийлари миссияси инсонпарварлик тадбирларида иштирок этиш учун Албанияга киритилган эди. Франция мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, мамлакат ҳарбийлари Албанияда ўз мажбуриятини адо этди ва энди ватанига қайтмоқда.

Миср Президенти Ҳусни Муборак ва Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот кеча Александрияда учрашиб Вашингтонда имзоланган Исроил — Фаластин шартномасининг бажарилиши мuddатлари ҳақида музокаралар юритишди.

Грузиянинг Омала қишлоғи яқинида 9 август куни хорижий давлатга қарашли ҳарбий самолёт пайдо бўлгани ва мина ташлагани билан боғлиқ можарога яқун ясалди. Россия ҳамда Грузия мутахассислари ўтказган қўшма текширувлар натижасида жанговар самолётлар Россия ҳарбий ҳаво кучларига тегишли экани ва улар англашилмовчилик ва оддий хато туфайли миналар ортилган контейнерни Грузия ҳудудига ташлагани аниқланди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг Россия Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга таяниб тарқатган хабарига кўра, Россия томони Грузиядан уэр сўраган ва бу англашилмовчиликдан хижолатда эканини билдирган.

Америкалик олим Майкл Роуз инсон умрини узайтириш бора-сида янги кашфиёт яратди. У тирик организм хужайраларини қайтадан яшартириш имконини берадиган генетик механизмининг ўйлаб топди. Бу эса ҳаётнинг абадийлашувига яқин қолди, демакдир.

Американинг Ойдаги «Клементина» деб номланган зонди Ойнинг бизга кўринмас томонида жуда катта чуқурлик борлигини аниқлади. Бундай улкан чуқурлик Қуёш тизимидаги барча сайёраларнинг биронтасида ҳам йўқ. Унинг чуқурлиги 13 километр бўлиб, айланаси 2500 километрدير.

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!

Сиёсий партиялар ҳаётидан

Мустақиллик — ҳалқимизнинг энг азиз, энг буюбайрамидир. Унга бутун халқ, бутун мамлакат олдиндир, ҳозирлик кўриб, катта шодиялар билан кутиб ола ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам ушбу умумхалқ тадбиридан чет қолмапти.

ХАЛҚ демократик партияси

Яқинда партия Марказий Кенгаши Котибияти томонини «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Мустақиллик куни бағирини нишонлашдаги иштирокини кучайтириш вазибалари ҳаа» қабул қилинган махсус қарор юқоридаги фикримизнинг лилидир. Унда партия ташкилотлари ва муассасаларининг вфалари белгилаиб, уларни бажаришга оид тавсиялар бери. Котибият, шунингдек ХДП аъзолари ҳамда аҳоли ўртасидикиладиган маъруза, суҳбат, мулоқот, анжуманларнинг ннавий мавзулари рўйхатини маъқуллади.

«АДОЛАТ» социал-демократик партияси

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленуми раислик қилган ушбу партия Сиёсий Кенгашининг биринчиотиби Турғунўлат Даминов йиғилганлар диққатини мамлакатиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияда «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» мавзуида қилган мазасидан келиб чиқиб сиёсий партиялар мамлакатимиз имоий-сиёсий-маънавий ҳаётидан муносиб ўрин олаётганлигиарнинг дастурларида белгилабган тадбирлар жамиятнинг риланишига чинакам хизмат қилаётгани, лекин шу билан биллиқда партия фаолияти ҳамма жойда ҳам қаноатланарли даража эмаслигига қаратди. Хусусан, Тошкент шаҳар партия Кенгаши ҳам юқоридаги қусурдан ҳоли эмас. Айниқса, кейинги пайтла Кенгаши ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, кадрлар таш ва уларни жой-жойига қўйиш билан деярли шуғулланилмлиги қайд этилди.

Пленум кун тартибидаги кейинги масала — «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи пленуми қарорларини бажариш тўғрисида»ги иш бўйича партия Сиёсий Кенгашининг котиби Равшан Ҳайдароваъруза қилди. У ўз сўзида партия ташкилотлари олдида турғунўлат вазибаларга эътиборни қаратиб, камчилик ва муаммолари рўйроқ кўрсатиб ўтди.

Пленумда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокиминингинбосари Рихситилла Ақромов ҳозирги даврда партияларнингутган ўрнига алоҳида тўхталиб, унинг обрў-эътибори ва мавқеи ошириш билан боғлиқ мулоҳазаларни ўртага ташлади. Шунингдек, йиғилганлар эътиборини тобора яқинлашиб келаётганушбу тақиллик байрамини муносиб кутиб олишга қаратди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Шаҳар партия гашининг аъзоси, «Феруз» акционерлик жамияти бошқарураисси Равшан Фозилов бир овоздан Ўзбекистон «Адолат» сал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчиотиби этиб сайланди.

«ФИДОКОРЛАР» миллий демократик партияси

Пойтахтдаги қариялар пансионатида Истиклол байра олди-дан бўлиб ўтган саҳоватпеша тадбир узок вақт нуроний.имизнинг эсларидан чиқмаса керак. Шу кун ФМДПнингшкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан бу ерда ўтказилганрашув ҳар икки томон учун ҳаяжонли воқеаларга бой бўлди.

Гап шундаки, Кенгаши партия дастурида ўртага таанган кучли ижтимоий муҳофазадан келиб чиқиб, пансионати қарияларга мурувват кўрсатди, уларга ўзининг камтароназғасини топширди. 200 дан ортиқ киши баҳраманд бўлган совғаларнинг умумий қиймати 500 минг сўмни ташкил этиши айтадиган бўлсак, бу холис хизматнинг анча-мунча эътибори бўлганлигини билиб олиш қийин эмас. Учрашувда қатнашганФидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгашии Бош котиби Эркин Норбўтаев ҳамда Кенгаши котиби Аҳмад Амлар отахон ва онахонларни қизгин табриклар, уларга сихат-юматлик, узок умр тилашди.

Шундан кейин ФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонан қарияларга аталган совғалар улашилди, улар катта зиёфаастурхонига — ошга тақлиф этилдилар.

Мазкур учрашувга тайёргарлик кўришда ФМДП шаҳаркенгаши аъзолари — «Иргидромаш» заводи директори Бахти Назаров, ФМДП Бектемир туман котиби Йўлдош Ҳўжаевлхамда хусусий фирма раҳбари Дилшод Исомиддиновларнинг иссаси катта бўлди.

Тадбирда қатнашган «Нола» ансамбли ва Сирғали тан бандий ҳаваскорлари ўз чиқишлари билан учрашувга факири-тишди.

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Республикамиз шаҳарларидаги кўп қаватли уйлар жойлашган мавзеларда маҳалла кенгашилари ташкил қилина бошланган дастлабки пайтларда бу хайри ишнинг муваффақиятли ҳал этилишига шубҳа билан қараганлар ҳам кўп бўлганди. Бугун обод ва кўркем маҳаллалар, том маънода тотувлик ҳамда ватанпарварликни тарғиб қилаётган маҳалла кенгашилари фаолияти билан танишар эканмиз, ушбу ишончсизлик ва иккиланлишларнинг барҳам топганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу борда пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи оилаларни бирлаштирувчи маҳаллаларда, айниқса самарали ишлар амалга оширилмоқда, десак хато бўлмайди.

Ҳамза туманининг «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасидаги 3 ва 4-мавзеларни бирлаштирувчи Бобоохун Салимов номли маҳалла ҳам ана шундай ўз-ўзини бошқарув органларининг бири бўлиб, бу ерда қатор хайри тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Маҳалла кенгашининг раиси Сафо ака Матжонов ҳам, йиғирма кишидан иборат кенгаши аъзолари ҳам, кўйинг-ки, фаолларнинг барчаси маҳалладошларига манзур иш қилишаётганликларидан мамнунлар.

— Маҳалламизда 41 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда ўн тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Биз асосий эътиборни ёшлар тарбиясига қаратган ҳолда, кексалар, яъни ўруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам қўлини чўзиш, ғамхўрлик қилишни ҳам асло назардан четда қолдираётганимиз йўқ. Шунингдек, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилалар ҳам мунтазам моддий томондан қўллаб-қувватланиб турилибди.

Жумладан, жорий йилнинг ўт-

ган даври мобайнида кам таъминланган қирқ саккиз оилага 113 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Икки ёшгача боласи бўлган уй бекаларига 93 минг сўм, ўн олти ёшгача фарзандлари бор оилаларга 334 минг сўм нафақа пуллари ажратилди.

Сафо ака билан суҳбатда яна маълум бўлди-ки, маҳаллада хотин-қизлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар билан ишлаш, яраштириш, тўй ва маъракалар, байрам тадбирлари ўтказиш каби кенгашилар фаол иш олиб боришмоқда. Уларга Холида Турғунбоева, уруш фахрийси Аҳмаджон Ҳўжаев, Фахриддин Тўхтаўжаев, Башорат Имомова, Владимир Ткаченко сингари жонкуяр фаоллар раҳбарлик қилишяпти. Оқсоқолнинг ўзи яраштириш кенгашини ҳам бошқараяпти.

Маҳаллада ҳамжихатлик, хурмат-эътибор устувор бўлганлиги учун бу ерда ўтказилаётган ҳаширларда барча аҳил оила аъзоларидек иштирок этади. Бу йил баҳорда ўтказилган ҳаширда ҳам шундай бўлди. Натижада маҳалладаги барча уйлар атрофи, ариқ-зовурлар тозаланди, 200 туп қўчат ўтқазилди. Қабристоннинг атрофи бетон паҳса билан ўралиб, бўялди, темир дарвоза ўрнатилди. Буларнинг бариди уйбоши (домком)лар ва маҳалла кенгаши аъзолари, айниқса фаоллик намуналарини кўрсатишди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда Алижон Отабеков командирлик қилаётган ўн кишидан иборат Маҳалла посбонлари мавжуд бўлиб, улар аҳоли осойишталигини сақлашда мудом сергалар. Ёшлар билан ишлаш кенгашининг фаоллиги туфайли ўсмирлар ўртасида футбол, волейбол, шахмат-шашка, теннис, югуриш каби спорт турлари бўйича тез-тез мусобақалар уюштирилиб турилади. Маҳалла ёшлари бултур туман миқёсида футбол бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллаганликлари маҳалладошларни гоътада қувонтирди. Ёшларнинг бу йилги нияти — голибликни қўлга киритиш!

— Февраль ойида рўй берган нохуш воқеалар, мустақиллигимизга қилинган тажовуз бизнинг маҳалламиз аҳлининг ҳам ғазабини кўзғатди, — дейди Сафо ака. — Тинч ҳаётимизни кўролмайдиган, пулга сотилган бундай нокаслар

қилмишларини қоралаб, туман хокимлиги масъул ходимлари — Ш. Жўраев, М. Мавлонова ва Д. Эргашев, туман ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари милиция подполковниги В. Запорожский, участка нозири майор Б. Масерьев, мачит имом хатиби Сотиволди қори Ҳўжаевлар иштирокида ўтказилган мажлисларда катта-кичик барча ўз фикрини билдириб, ислом динини никоб қилиб олган бундай бузғунчиларга нисбатан ўз нафратларини билдирдилар. Она-Ватанимиз ва Президентимиз ҳимояси учун мудом шай эканликларини айтдилар.

Бобоохун Салимов номли маҳалла кенгаши жойлашган бинога қираверишда «Маҳалланг — Ватанинг, ота-онанг!» деган ёзувга, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари» деб номланган стенд ва маҳалла ҳаёти акс эттирилган суратли лавҳаларга кўзингиз тушади. Мустақил давлатимиз Герби, Байроғи ва мадҳияси, сурат ва матнлари ҳам шу ердан жой олган.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда-ки, улар ўсмирлар тафаккурини миллий мафкура тамойиллари асосида шакллантиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу кунларда бу ерда мустақиллигимиз 8 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизгин ишлар олиб борилмоқда. Маҳалла аҳли, асосан ёшлар билан «Мустақиллигимиз одимлари» мавзуида суҳбатлар уюштирилаёттир. Байрам тадбирлари эса аллақачон ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ спорт мусобақалари уюштириш, байрам дастурхонини безаш, ободонлаштириш ишларини ўтказиш, кексалар ҳолидан хабар олиш каби кўплаб эзгу тадбирлар режалаштирилган.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

СУРАТДА: маҳалла кенгашининг раиси Сафо Матжонов (тўрда, чапда) бандлик хизмати ходими Лайло Валиева ҳамда маҳалла фаоллари — Санамжон Худойбердиева, Эркин Раҳимжонов (кенгаши котиби), Икромжон Фозиев ва Фахриддин Тўхтаўжаевлар билан ёшлар тарбиясини янада такомиллаштириш, бандлик масалалари хусусида фикр алмашмоқда.

ТАЪЗИМ СЕНГА, ЭЙ БАҒРИ КЕНГ ЭЛ

Мустақиллигимиз Оллоҳ берган неъматлар ичида энг улуғидир, унинг заминиди эркимиз, озодлигимиз ва тинч ҳаётимиз мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Саккиз йилда саксон йилга тенг,
Ишлар қилдинг эй бағри кенг эл.
Аждодларинг руҳин шод этдинг,
Сендан рози бўлди она ер.

Бу ишларга йўл берди эгам,
Йўқ бўлмоқда сенга келган ғам.
Юрт тинчлигин тун-кун ўйлаган,
Йўлбошчига тан берди олам.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Миллатлараро муҳандислик академиясининг академиги,
техника фанлари доктори, профессор.



Шаҳримиздаги ер усти кўприклари ўзининг кўркем ва салобатлилиги билан пойтахтимизга янада хусн бағишлайди. Мустақиллик байрами арафасида уларнинг сони яна 2 тага яяди. Бу кўприklar Юнусобод ва Бектемир туманларида барпо этилди.

ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

Яккасарой туманидаги «Урикзор» маҳалласи ҳудудида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ҳар галгидан бошқача руҳда ўтди. Сабаби бунда оқсоқоллар ва туман ёшлари бош-қош бўлишди.


Тумандаги 20 дан зиёд корхона, 17 та маҳалла, 5 та ўқув муассасаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, солиқ инспекцияси ва бошқа ташкилотларнинг мутасаддилари ярмаркада иштирок этганларнинг барча саволларига жавоб бериш билан бир қаторда, тегишли маслаҳатларни тавсия этишди.

Фурсатдан фойдаланиб корхона мутасаддилари ва иш ахтариб келган ёшларни суҳбатга чорладик.

Зокир Соҳибжоновнинг асосий касби ошпазлик. Айрим сабабларга кўра бошқа ишда ишлашни хоҳлайди. Фалакнинг гардиши билан дўстининг олдида келиб, ярмарка ҳақидаги хабарни эшитиб, «Урикзор» маҳалласига йўл олади:

— Ёшим 22 да. Мен турли касбнинг устаси бўлишни, бироз маблағ орттириб, оилани бўлишни истайман, — дейди Зокиржон. — Шунинг учун ярмаркага таваккал қилиб келгандим. Бу ерда кўп нарсанинг шохиди бўлдим. Компьютер ёрдамида бир зумда менга лойиқ ишларни тавсия этишди. Дурадгорчилик ва бўёқчилик. Ёшимиз, бундай ишларни бемалол урдалашга қурбимиз етади.

— Мана шу бўш иш жойлари меҳнат ярмаркасини ўтказиш жараёнида аҳолига катта қулайлик туғилади, — деб ўз фикрини баён этди ходимлар бўлими бошлиғи Нуржон Болтаева. — Бизнинг «Тошкент курилиш материаллари» очик



Бандлик

ТАШАББУСКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

турдаги акционерлик жамиятига ҳам кейинги вақтда ёшларни кўпроқ жалб этаёلمиз. Сабаби, замон талабидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қилаёلمизми, демак, бизларга ҳам замонавий, билимдон ёш кадрлар керак. Чунки ҳозирги кунда иқтисодиётимиз ривожланиб бораётган бир паллада ёшлар қайси соҳада бўлмасин ҳар томонлама зукко бўлишлари керак.

— Ёшларимиз ташаббусни ўз қўлларига олишлари керак, — дейди «Камолот» ёшлар жамғармаси туман бўлими раиси Мавлуда Раимжонова. — Бизнинг ҳар

бир ҳаракатимиз келажак учун асосий пойдевордир. Шуни тўғри тушуниб этган ҳолда иш юритсак яхши бўларди. Мана туманимизда 7 мингдан зиёд ёшлар бор. Аминманки, уларнинг аксарияти ишлашга, меҳнат қилишга, изланишга қодирдир. Биз ёз кунлари ўтиб бораётган бир паллада 10 ёшдан — 16 ёшгача бўлганлар билан алоҳида шуғулландик. Мактабларда тўғараклар очдик. Жуда кўп болалар спортнинг барча тури билан шуғулланишяпти. Шундай қилаёلمизки, бирорта ўсмир ёки йигит-қиз биз ўтирмасин, деб бор имкониятдан фойдаланаямиз. Айрим иш ахтарган ёшларни меҳнат органи ёрдамида ишга жойлаштираямиз. Бундан кейин ҳам мана шундай ҳаракатда бўлсак, албатта ишимизда барака бўлади.

Дарҳақиқат, ёшлар муаммосини ҳал этиш, уларга яқиндан ёрдам бериш борасида Юртбошимиз бежиз жон куйдираётганлари йўқ. Гарчи шундай экан, азиз ёшлар ҳар бир кунингизни, ҳар бир вақтни ганимат деб билиб, кенг имкониятлардан фойдаланиб қолинг. Акс ҳолда вақт ўтиши билан кеч бўлади.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: Яккасарой тумани «Урикзор» маҳалласида бўлиб ўтган ҳудудий меҳнат ярмаркасида лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

3-автобус корхонаси жамоасида Акбар Алимовни танимаган одам йўқ. 23 йилдириқ Акбар акани корхонадагилар эъзозли инсон сифатида қадрлашади.

У меҳнат фаолиятини чилангарликдан бошлади, сўнг 10 йил Хувайдо-Тайёрагоҳ орасида қатновчи 11-автобус йўналишида ҳамшаҳарлар манзилини яқин қилди. Машинани моҳирлик билан бошқариш сирларини устози Шавкат ака Фахриддиновдан ўрганди.

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз? Саломатлиги машина ҳайдашга тўғри келмаганлиги сабабли Акбар ака уйда бекор ўтиришни истамасди. Иккинчи «уйи» бўлиб қолган 3-автобус корхонасидан ажралишни хуш кўрмади. Техника сирларини пухта билганлиги учун ҳам чилангар бўлиб ишлаш истигани билдирди.

— Машинанинг тормоз, руль, олдинги ва кейинги кўп-

рикларини таъмирлашда Акбар ака Алимовнинг олдида тушадиган уста бармоқ билан санарли, — дейди биз билан суҳбатда таъмирловчилар сардори Тоҳир Бўрибоев. — Носоз «ПАЗ», «ЛАЗ» русумли машиналарни қайта ҳаракатга келтиришда унинг хизматлари катта.

Шу кунларда Акбар ака шоғирдлари Музаффар Мирзаев, Туроб Мансуров, Муҳиддин Норматовлар билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигини қувончи натижалар билан кутиб олишга таратдуд кўрмоқда.

Ҳайдовчилар тили билан айтганда «Мотор — машинанинг юраги» ҳисобланади. Бу «юрак»ни созлаш учун ҳамма ҳам «жарроҳ»лик вазифасини бажаравермайди. Дилмурод Рашидовга ўх-

шаб ноёб касб эгалари эса бармоқ билан санарли.

Дилмурод ўрта мактабни битириб, «Етуклик шаходатнома»сини Олий ўқув даргоҳларига кўтариб бормади. Тўғри 3-автобус корхонаси саройи дарвозасидан кириб келди. Тажрибали сардор Мирзоид Туганов ишга чанқоқ, ёш йигитга устозлик қилди. Кундан-кунга шоғирдининг қўллари техникани бўйсундиришга мослашиб борди.

Мана орадан 3 йил ўтди. Машақатларни чидам билан енган Дилмурод малакали мотор созловчилар қаторида номи фахр билан тилга олинадиган бўлди. «Поршен», «клапан»ларни созлашни фақат етук мутахассисли моторчилар урдалайди. Дилмурод бу ўринда бутун касб маҳоратини намоён қилиб ишга киришади. Унинг сифатли таъмирлов ишидан ҳайдовчилар мамнун бўларканлар «Баракалла, кўли гул уста» дея елкасига қоқиб қўядилар.

Транспорт

Таратдуд

ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНИ ҚАД РОСТЛАДИ

Ўзбек халқи азалдан тўйга тўёна билан боришга одатланган. Бу анъана мустақил республикамизда янада кенг ривожланиб бораёпти. Хусусан, Мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйига Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Юнусобод туманида Тошкент давлат юридик институти қошида юридик академик лицей учун янги бино қад кўтарди. Жамоатчи мухбиримиз академик лицей директори юридик фанлари номзоди, доцент Холмурод Назаров билан учрашиб, янги лицейнинг истиқболлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Холмурод ака, айтингчи академик лицейда ўқувчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилган ва у қанча ўқувчини ўз бағрига қабул қилади?

— Бу йил 9-синфни битирган иқтидорли болалардан 125 нафар талабаларни лицейга қабул қилиш мўлжалланган. Илм даргоҳимизда замонавий ўқитиш анжомлари мавжуд. Шунингдек, ошхона, ювиниш хонаси, спорт зали, дарсхоналар, кироатхона ҳам керакли анжомлар билан жиҳозланган. Ўйлайманки, ўқишга иштиёқи бўлган болалар бу ерда ҳар томонлама мукамал билим оладилар.

Умуман, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, лицейни аслида 1996 йилда 258-мактаб негизига очганмиз. Уч йиллик тажрибамиз бор. Биз ҳозирги мустақил давлатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун ёшларга фан асосларини чуқур ўргатмас эканмиз, уларнинг илми саёз бўлиб қолади, давр талабларига жавоб бермайди. Шуни ҳисобга олиб, давлатимиз, академик лицей қурилиши учун 200 миллион сўм маблағ ажратди. Қурилиш ҳам вақтида битиб Мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйида шу ерда ўқишни бошлаймиз.

— Ўқитувчилар услубий қўлланма, дарсликлар билан таъминланганми?

— Ўрта махсус таълим муаммолари марказий институти томонидан ишлаб чиқилган дарсликлар, услубий қўлланма-

лар бор. Биз шулар асосида ишлаймиз. Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарса етарли, имконият бор. Бу билим даргоҳини битирган талаба нафақат юридик соҳа бўйича билим олади, балки ўрта таълим гувоҳномасига ҳам эга бўлади. Ижтимоий, гуманитар йўналиш бўйича олий ўқув юртлирида ўқишни давом эттириши мумкин. Агар болада техникага қизиқиш бўлса, техника соҳасидаги ўқув юртлирига ҳам бемалол кириб, ўқишни давом эттириверади.

— Ҳомийларингиз ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Юридик академик лицейимиз республика Адлия Вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти тасарруфида ташкил этилган. Шу ўринда «Тошуйғойинвесткурилиш» корпорациясининг «Эркин қурувчи» хусусий фирмасининг иш бошқарувчиси Қобил Бўтабоев, бош муҳандиси Илҳом Алиев, умумий қурилиш бўйича участка бошлиғи Алексей Колесников, умуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг академик лицей ва коллежалар қурилиши дирекцияси хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

— Янги ўқув йилини янги бинода бошлаб улкан ютуқларни қўлга киритишингизда омад ёр бўлсин.

Суҳбатдош
Зиёвуддин ОРИПОВ.

Луқма

ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛСА

Тонг отиши билан нима бўлса ҳам ишимга ўз вақтида этиб бориш ҳақида ўйлайман. Бизнинг «Қорасув-6» даҳасида яшовчиларнинг барчаси ана шундай ҳаёллар оғушида тонг оттираётган бўлсалар керак.

Чунки биз яшаётган даҳадан шаҳар марказига қатнайдиغان автобуслар, маршрутли таксилар эскирганлиги туфайли тез-тез бузилиб қолади. Натижада уларнинг оралиқ қатнов вақти гоҳида 30-40 дақиқани ташкил этиб, йўловчиларнинг кўнглиларини ранжитилади.

Шаҳримизнинг бошқа даҳаларида қатнайдиغان эски «ЛАЗ» русумли автобуслар янги «Мерседес» автобусларига алмаштирилди. Лекин негадир «Қорасув-6» даҳасидагилар янги автобуслардан бебаҳра қолишди. Ёлғон бўлмасин, «Мерседес» автобуси даҳамиз бўйича бор-йўғи биттагина қатнаб турибди. Бу шинам автобусга миниб қолгудек бўлсак, ўша куни лотереямизга ютуқ чиққандек суюнаимиз. Яна


масаланинг бир томони — бизнинг даҳадан бозорга қатнайдиغان бирорта транспорт йўқ, фақатгина таксида бориб-келиш мумкин.

Гоҳида ўйланиб қоласан, бутун шаҳар бўйлаб ўзимизда чиқаётган «ЎзОтайўл» маршрутли автобуслар юрсаю, булар ҳам яна «Қорасув-6» даҳасини четлаб ўтса. Наҳотки, ушбу автобуслардан биз ҳам фойдалана олмасак? Ёки бунинг иложи йўқми?

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарияти бизнинг юқорида кўрсатилган муаммоларимизни кўриб чиқиб, ижобий ҳал қиладилар деган умиддамиз.

«Қорасув-6» даҳаси аҳолиси номидан
Муҳаббат УМАРБЕКОВА.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.40 «Таҳлилнома».

8.40 «Диёр мадҳи». Муסיқий дастур. 9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатуви. 9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 12-серия. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 10.35 Кундузги сеанс: «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадий фильм.

12.05 «Шоҳрух» клуби. 12.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Буюк келажак—ёшлар кўлида». 13.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

14.10 «Тасис» дастури намойиш этади: «Табиат ҳавф остида» туркумидан «Озонни кутқарайлик». 14.30 Б.Боймирозев. «Дуойи бад». Бердах номидаги Қорақалпоқ муסיқали драма театрининг спектакли. 1-қисм. 15.35 Ўзбекистон спортининг нуфузи».

15.50 «Истиқлол нашидаси». 16.00 «Иқтисод ва биз». 16.25 Украина фильмлари ҳафталиги. «Қанотлар парвози». Бадий фильм. 17.55 Ватан тимсоллари. 18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».

18.35 «ТВ патруль». 18.45 «Ораулар қанотида». Муסיқий дастур. 19.05 «Тафсилот». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Ўзлонлар. 19.30 «Аҳборот» (рус тилида) 20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сўзана».

20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Аҳборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси». 21.15 «Шарқ тароналари» II Халқаро муסיқа фестивали кундалиги. 21.35 «Истиқлолим — истиқболлим».

22.00 «Севги сурури». Муסיқий дастур. 22.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 75-қисм. 22.55 «Маънавият» дастури. 23.35 «Аҳборот». 00.10 «Соқов ва муҳаббат». Бадий фильм. 01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чакон»). 18.25 «Сурур». Муסיқий дастур. 18.35 «Ҳаёл». 18.55 «Муסיқий лаҳзалар».

19.00 «Давр». Аҳборот дастури. 19.30 «Душанбада кўришгунча». 19.45, 20.35, 23.45 Ўзлонлар. 19.50 «Кавинтон Кросс». Телесериал.

20.40 «Жаҳон». Халқаро шарҳ. 20.55 «Муסיқий лаҳзалар». 21.00 «Давр». Аҳборот дастури. 21.30 Мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ватан ҳақида ривоятлар». 21.40 «Муносабат». 22.00 Мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол кўшиқлари». 22.10 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркуми: «Буюк юрт фарзандиман». 22.25 «Олам футболи». 22.50 Синема. «Инспектор Морз». 00.35 Шарқ эстрадаси. 00.50 «Хайрли тун!».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Аҳборот кўрсатуви. 18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун». 18.25 «Сенсация». Телесериал. 19.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Аҳборот» (рус тилида) 20.00 «Бурч ва маъсулият». 20.15 Телефакт. 20.30 «Аҳборот». 21.05 «Бумеранг». 21.45 «Спорт-тайм». 22.10 «Биз Сизга бахт тилаймиз». 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.45 Оҳанглар ва эълонлар. 23.55 Саргузашт фильмлар экрани. 01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00 14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Дурдаршан».

16.00 «Севги йўлида». Телесериал. 17.00 «Мультчархпалак».

Россия жамоат телевидениеси. 17.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 17.30 Душанба кунини Познер билан. «Никобдаги киши» дастури. 18.10 «Интернет худуди». 18.30 Клип-антракт. Россия жамоат телевидениеси. 18.35 Андрей Мягков ва Валентин Гафт «Вертикаль буйлаб пойғалар» детектив фильмида. 1-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».

20.35 «Федерал полицияси». Телесериал. 21.20 «Оламда нима гап?» Аҳборот кўрсатуви. 21.25 «Дил изҳори». 21.30 «Спорт клуби». 21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».

21.55 Клип-антракт. 22.00 «Вести». 22.30 Киносанс. «Нафс балоси». Бадий фильм. 23.55 «Аҳборот» (рус тилида) 00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар профилактика. 15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар». 15.30 «Эсдалик учун дастхат». Муסיқий дастур. 16.00 «Қарапуз-ТВ». 16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 16.50 «Айбдорлик». Телесериал (Мексика). 17.35 «VIP» студиясининг мехмони. 17.50 «Хит-коктейль». 18.25 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 18.40 «30-канал»да премьераси. «Олтин қафас». Телесериал (Мексика).

19.25 Спорт шарҳи. 20.20 «Клип-совға». 21.30 «30-канал»да кинооқшом. 23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал (Германия). 24.00 «XL-music». Муסיқий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 24.00 — Янгиликлар. 8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал. 9.15 «Мўжизалар майдони». 10.15 «Инсон ва қонун». 11.15 «КВН-99». 13.10 «Фантом — 2040». Мультсериал. 13.30 «Биргаликда» дастури. 14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал. 14.40 Мультсеанс. 14.55 «Юлдузли онлар». 15.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».

17.15 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувнок воқеалар. 17.30 Душанба кунини Познер билан. «Никобдаги киши» дастури. 18.10 «Шу ерда ва ҳозир». 18.35 Андрей Мягков ва Валентин Гафт «Вертикаль буйлаб пойғалар» детективиди. 1-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 «Тоғлик-IV». Саргузашт сериал. 21.40 «Нигоҳ». 22.25 Кино чизиғи. Сергей Соловьевнинг «Оилавий бахт» фильми.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Ҳамманинг оғзида». 6.45 «Кўрсатувлар дастури». Тележурнал. 8.15, 22.50 — «Навбатчи қисм». 8.45 «Товарлар — почта орқали». 9.10 «Миледи». Телесериал. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.05 — «Вести». 10.35 «Булбул кўноғи». Детектив телесериал (Буюк Британия). 11.30 «Кўзгу». 12.30, 23.45 — «Дивандаги дўкон». 13.30 «Антонелла». Телесериал. 14.25 «Ёввойи фаришта». Телесериал. 15.10 «Муסיқа, муסיқа...». 15.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал. 16.30 «Минора». 17.00 «Сирларимизнинг ёз фасли». Телесериал. 18.00 Мультфильмлар. 18.15 «Рус лотоси». 19.30 «Тафсилотлар». 19.45 Леонид Куравлёв, Евгения Симонова ва Евгений Леонов Георгий Данелиянинг «Афоня» сатирик комедиюсида. 21.30 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Испаниядан олиб кўрсатилади.

ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга». 9.40, 19.10, 00.45 — «Йўл назорати». 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6». 10.10, 01.10 — «Кимки...». 10.25 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида»: Юрий Николаев. 10.50, 13.50, 15.50, 16.15 — «Харидингиз учун ташаққур!» теледўкони. 11.00 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви. 12.05 «Ҳафта можаролари». 12.35 «Обоз». 13.20 «Спартак» — чемпион!». 16.05 Мультфильм. 16.40 «Оддий Мария». Сериал. 17.30 Мультсериал. 17.55 «Шерлок Холмснинг саргузаштлари». Сериал. 18.25, 01.25 — «Диск-канал». 19.30 «Оловдаги Грейс III». Сериал. 19.55 «Ҳимоячи». Сериал. 21.00 Шу куннинг янгиликлари. 21.30 Халқ «Сифат белгиси» намойиш этади. 22.25 «Одамлар оламида». 22.55 «ТВ-6» кинотеатри. Клинт Иствуд «Қаторлар ора» жангари фильмида.

01.00 «Шу куннинг олти янгилиги».

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.30 «Аҳборот».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 «Бир наво истар кўнгиш». Муסיқий дастур. 9.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 75-қисм. 9.40 «Санъат олами». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Янги алифбони ўрганамиз.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида: 10.25 «Сеними, шошмай тур». Мультсериал. 10.45 Кундузги сеанс: «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас... мумкин». Бадий фильм. 12.05 «Оила». Тележурнал. 12.35 «Маънавият» дастури. 13.15 Ўзбек қулиридан концерт. 13.40 «Тараққиёт йўли».

14.10 «Тасис» дастури намойиш этади: «Табиат ҳавф остида» туркумидан «Тито ва унинг ҳайвонот боғи». 14.40 Б. Боймирозев. «Дуойи бад». Бердах номидаги Қорақалпоқ муסיқали драма театрининг спектакли. 2-қисм. 15.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 15.55 Ватан тимсоллари. 16.00 «Қувнок стартлар». Телемусобақа. 16.40 «Оролга сайр». Бадий фильм. 18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал. 18.35 «Ойдиндир кўшиқнинг йўли». Муסיқий дастур. 19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Таянч нуқтаси». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.50 Ўзлонлар. 19.30 «Аҳборот» (рус тилида) 20.00 «Зиё». 20.10 Оқшом эртақлари. 20.30 «Аҳборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси». 21.15 «Истиқлолим — истиқболлим».

21.40 «Ёр-ёр» Дуторчилар ансамблининг концерти. 22.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм. 22.55 «Ўзелигинг намоён қил!». Экранда — Сурхондарё вилоти. 23.30 «Аҳборот». 24.00 Украина фильмлари ҳафталиги: «Кумуш тренер». Бадий фильм. 01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 75-қисм. 18.30 «Ҳазал соғинчи». 18.50 «Муסיқий лаҳзалар». 18.55 «Истиқлолни куйлайман». 19.00 «Давр». Аҳборот дастури. 19.30 «Муסיқий лаҳзалар». 19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 19.50, 20.45, 23.10 Ўзлонлар. 19.55 «Оқ қуш». Видеофильм. 20.50 «Сарвиноз». Муסיқий дастур. 21.00 «Давр». Аҳборот дастури. 21.30 Мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ватан ҳақида ривоятлар». 21.40 «02» тўлкинида. 21.55 Мустақиллигининг 8 йиллигига. «Фидокор». 22.05 «Гулбахор Эркулова куйлайди».

22.20 «Турфа олам». 22.35 «Шарқ тароналари» II Халқаро муסיқа фестивали олдидан. 23.05 «Ёшлар» телеканалда. 23.15 Синема. «Дарё бошида». 01.00 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Аҳборот кўрсатуви.

18.10 Сен ҳақингда ва сен учун». 18.25 «Шов-шув». Телесериал. 19.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар. 19.30 «Аҳборот» (рус тилида) 20.00 «Ёшлар худуди». 20.30 «Аҳборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Сухбатдош». 21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ. 22.15 «Спорт оламида». 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.45 Оҳанглар ва эълонлар. 23.55 Кинонигоҳ. 01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.40 «Бинафша».

16.00 «Севги йўлида». Телесериал. 17.00 «Мультчархпалак». Россия жамоат телевидениеси. 17.15 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 17.30 «Мавзу». 18.10 «Бу ажиб дунё». 18.25 Клип-антракт. Россия жамоат телевидениеси. 18.30 «Вертикаль буйича пойғалар». 2-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».

20.35 «Федерал полицияси». Телесериал. 21.20 «Оламда нима гап?» Аҳборот кўрсатуви. 21.25 «Дил изҳори». 21.30 «ТВ-4 да Немис тўлкини». 21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф». 22.00 «Вести». 22.30 Кинематограф. «Али бобо ва 40 қароқчи». Бадий фильм. 1-2 сериялар. 00.40 «Аҳборот» (рус тилида) 01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיқий тонг». Муסיқий-дам олиш дастури. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури. 10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар». 10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла). 11.20 Тонгги киносеанс. 13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика). 14.10 Кундузги киносеанс. 15.30 Муסיқий дастур. 16.00 «Қарапуз-ТВ». 16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал. 16.50 «Айбдорлик». Телесериал. 17.35 «VIP» студиясининг мехмони. 17.50 «Хит-коктейль». 18.25 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 18.40 «Олтин қафас». Телесериал. 19.25 «Висол». Муסיқий дастур. 20.20 «Клип-совға». 21.30 «30-канал»да кинооқшом. 23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал. 24.00 «Муסיқий вернисаж». Муסיқий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.40 — Янгиликлар. 8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал. 9.15 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси». 9.45 «Хонаки кутубхона». 9.55 «Самовий урушлар». Сериал. 10.45 Мультсеанс. 11.15 «Хайрли кун!». 12.00 Михаил Козаков «Хатолар

комедияси» фильмида. 1-рияд. 13.15 «Фантом — 204». Мультсериал. 13.30 «Биргаликда» дастур. 14.15 «Гарри — қор одам». Комик сериал. 14.40 «Бахтли тасодиф». 15.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 17.15 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувнок воқеалар. 17.30 «Мавзу». 18.10 «Шу ерда ва ҳозир». 18.30 «Вертикаль буйлаб пойғалар». 2-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 «Аммо...». 20.50 Евгений Леонов «Е дойзорлар оралаб» комедиясида. 22.20 Ҳужжатли детектив. «Перкорт». Генерал Калугиниши. 1999 йил. 22.50 «Жума, 13-...». Сериал

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Ҳамманинг оғзида». 6.45 «Кўрсатувлар дастур Телеўйин». 8.15, 22.40 — «Навбатчи қисм». 8.45 «Товарлар — почта орқали». 9.10 «Миледи». Телесериал. 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.55 — «Вести». 10.35 «Булбул кўноғи». Детектив телесериал. 11.30, 21.35 — Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпиони Испаниядан олиб кўрсатилади. 12.30, 23.55 — «Дивандаги дўкон». 13.30 «Антонелла». Телесериал. 14.25 «Ёввойи фаришта». Телесериал. 15.15 «Муסיқа, муסיқа...». 15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал. 16.30 «Минора». 16.55 «Гомеопатия ва сал матлик». 17.00 «Сирларимизнинг ёз фасли». Телесериал. 18.00 «Бир боқишда муҳаббат». 18.35 «Русча бизнес». 19.30 «Тафсилотлар». 19.45 Настасья Кински ва Кристофер Пламмер «Гаров олинганлар» жангари фильмида (АҚШ).

ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга». 9.45, 19.10, 23.50 — «Йўл назорати». 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6». 10.10, 00.10 — «Кимки...». 10.25 «Бис». Қувнок кўрсатуви. 10.50 «Саломатлик формуласи» теледўкони. 11.00, 19.55 — «Ҳимоячи». Сериал. 11.50, 13.50, 16.05 — «Харидингиз учун ташаққур!» теледўкони. 12.05 «ТВ-6» кинотеатри М.Йорк «Гедеон қиличи» жангари фильмида. 16.25 «Лилиана: яхшилик энергияси» теледўкони. 16.40 «Оддий Мария». Сериал. 17.30 Мультсериал. 17.55 «Шерлок Холмснинг саргузаштлари». Сериал. 18.25, 00.25 — «Диск-канал». 19.30, 01.35 — «Оловдаги Грейс III». Сериал. 21.00 Шу куннинг янгиликлари.

21.30 «Амба». Қувнок шоу. 22.25 «Одамлар оламида». 22.55 «Қотил даввати». Сериал. 00.05 «Шу куннинг олти янгилиги». 01.00 «Йўловчи». Сериал. 01.25 «Сифат белгиси». (Охири келгуси сонда).

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Марказда 7 сотихли ҳовли СОТИЛАДИ Тел.: 67-44-93

Тошкент молия институти томонидан 1993 йил 29 июнда Азизов Муродилло Фаниевич номига берилган ФВ № 995649 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти томонидан 1992 йил 27 октябрда Турғунов Ўлмас Кўчқорвич номига берилган ФВ № 941998 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнусобод тумани ҳокими ижроия маҳкамаси, Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Жовдатович Қурбоновга қизи **Малика ҚУРБОНОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошиссиқликкуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Истгамир» корхонаси ЭО 33-22 ва ЭО 26 — 31 «Беларус» экскаваторларининг 6 разрядли машинистларини ҳамда катта ҳажмдаги иссиқлик тармоқлари қувурларини монтаж қилиш учун юқори малакали пайвандчиларни ишга таклиф этади. Меҳнатга ҳақ тўланиши кафолатланади. Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: **Бобур кўчаси, 53. Телефонлар: 55-44-58, 136-96-09, 55-42-91.**

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

(Давоми. Боши газетанинг 91-сониди).

Беш-ўн кун ўтди. Шоҳ бир жашн (байрам) олий тартиб берди. Хазина эшикларин очиб, ҳаммага инъомлар айлаб, сипоҳ, раият, шоҳ ва гадо бебаҳра қолмадилар. Ҳукумат узукин ва шохлик тожини шаҳзода Муслимга таслим айлаб, ўзи ҳақ таолога ибодат айламоқ учун хилватнишин бўлди. Ҳамма ҳозирлар Муслим шоҳни муборакбод айлаб, подшоҳликка қабул қилдилар. Муслимшоҳ подшоҳлик тахтида қарор топиб, ҳамма муфлис ва бечоралар аҳволдан хабардор бўлиб турар эрди. Ҳар ҳафтада шикор айламоқ учун бир кун сайри сахро қилур эрди. Ҳамиша ҳар жойда бўлса ҳам маликайи Ҳазоргийсу бирга эрди. Бир илофа бирлан шикорга ҳам борур эрди, бир нафас жудо бўлмас эрди.

Энди икки калима сўзни Муслимшоҳ бирлан маликайи Ҳазоргийсунинг бир-бирларидан ажралишларидин эшитингим, аксар вақтда Муслимшоҳ бирлан малика отга миниб эл кўзидан четроққа бориб ов қилардилар. Бир куни бир кийикни овлаб шикоргоҳга қайтаётганларида шоҳ дедик, эй малика, мен сени бу давлатга еткурдим, бўлмаса бу оламда парирў ва соҳибжамоллар кўпдур. Бир неча гулруҳ сенга хизмат қилурлар, бул иқболга шукроналар айласанг бўлғай!

Малика дедик, ушбу сўзлар бемуруватликдан келур. Ҳазрат парвардигори оламиён ҳар кимни азиз айласа, ул асло хор бўлмағай ва агар залил айласа ҳеч бир шаҳаншоҳ мукаррам ва мухтарам айлаёлмағай! Муслимшоҳ дедик, тўғри, бу маънига иймон келтиргайман ва лекин восита ҳам даркордир. Малика деди, бул бобда воситани ҳожати йўқдур. Муслимшоҳ дедик, бул биёбони бесарупода сени ташлаб кетсам, ким ҳимоятига олғай? Малика дедик, ҳазрат офаридакоримдурки, ҳеч маҳлуқини зоёе айламағай. Муслимшоҳ дедик, бўлмаса отдин тушғил! Малика дарҳол отдан тушди. Муслимшоҳ отни олиб ярим тош масофага бориб, боз қайтиб келиб дедик, эй малика отга мингил, бўлмаса шеру қоплонларга емиш бўлурсан! Малика дедик, мен муштипарни тириклигим сенинг давлатинг воситаси бирлан бўлса, банданинг миннати керак эмасдур. Эй шоҳ, агарчандики заиф ва муштипардурман, ҳимматим эр кишилардин неча даража баланддур. Малика шоҳнинг сўзларини манзур айламади. Муслимшоҳ ноилоҳ ўлға равона бўлди. То аскариялар билан шаҳарга бориб барқарор бўлдилар. Малика нафасини рост айлаб, бошини саждага қўйиб нола ва зони ҳақни даргоҳига васила айлаб дедик, илоҳо доно ва бийладурсан, мен бечоранинг додимга етгайсан деб, муножат бадаргоҳи қози ал-Ҳожот айлар эрди. Ушал яқинда бир қишлоқ бор эрди. Ушал қишлоқ аҳолисидин биттасининг қадами етди, кўрдикки бир офтоб талъат заифа бошини саждага қўйиб, оллоҳ-таолодан муродлар тилар эрди. Маликага яқин борди. Малика бошини кўтариб қаради, бир мардидур, тарахум юзасидин дедик, эй ошуби замона, сахро мажнунлар маконидур, Лайливашларга Ватан ўзгадир. Энди ўрнингдин тургил, мен сени қишлоққа олиб бораин. Агар менинг уйим сенга мақбул бўлса, ўша ерда турурсан, бўлмаса яна ўз ихтиёринг бирла иш тутурсан деди. Малика таваққални оллоҳ-таолога айлаб, ул мардга ҳамроҳ бўлиб, ул қишлоққа бориб ул одамни уйига бориб кўрдикки бу қишлоқда мундан қашшоқ ва камбағалроқ киши бўлмағай. Уйда ҳатто бўйра ҳам йўқдур. Малика шукр ва санолар айтиб ул уйда истиқомат қилурга ният қилди. Уч-тўрт кун ўтди. Ўз зеварларидан (тақинчоқ) бир-икки дона тошни олиб, ул одамга берди. Шаҳарга олиб бориб сотиб, пулининг ярмига буғдой олиб, тегирмонга солиб, ун қилиб келинг, бозорнинг ноида баракат камроқ бўлур, қолганига озроқ юнг олиб, асбоби рўзгордин бир нечасини олиб келишни буюрди ва ул одамни малика отам деди, у эса фарзандликка қабул қилди.

Алқисса, ул тошларни шаҳарга олиб бориб сотиб, пулига маликанинг айтганларини ҳозир айлади. Малика ул юнгни ишлаб, бир ҳафтада бир неча арқон ва тизимчани ясаб, сотиб келиш учун отасига топширди. У сотиб пулини келтириб берди. Уч-тўрт ҳафта ўтди, анча пул йиғилди. Малика дедик, юнгдан ортан пул бирлан бу йиғилган пулларга бир от олинг, пиёда юрмоқ сизга мушкулдир. Отаси бозордин бир от сотиб олди. Яна бир оз фурсат ўтгач, бир соғин сигир ва бир неча адад эчкилар ҳам сотиб олдилар. Бир неча вақт ўтгач

бир хизматкор олди. Унга ҳам алоҳида от олиб берди. Малика яна бир хизматкор олиб, уларга энди бир неча муддат сахрога чиқиб ўтин йиғинлар деб буюрди. Улар уч киши бўлиб сахрога чиқиб, бир неча кун давомида ўтин йиғиб, бир ғор топиб, ул ўтинларни ўша ғорга босиб, ўзлари қишлоққа қайтдилар. Кундан-кунга уларнинг ҳаёти ва маишати яхшиланиб борарди.

Маликанинг шаҳзода Муслимдан ҳомиласи бор эрди, Оллоҳ-таолонинг инояти бирлан бир офтоб талъат қизни саодатли кунда таваллуд айлади. Қиз онасидин ҳам зиёдарок моҳи пайкар эрди. Ул қизнинг исмини Моҳипайкар деб атадилар. Қиз кундан-кунга улғайиб, хусни-жамоли ортиб борарди. Қиш фасли келди, малика дедик, эй ота, энди хизматкорлар бирлан ҳар куни уч от бирлан ўтинларни олиб келиб бозорда сотаберинглар. Пирамард хизматкорларни олиб сахрога бориб ғорни кўрдиларки ўт тушибдур, ҳаммаси куйиб кул бўлибдур. Ғорнинг ичидаги тошлар куйиб кўмирдек бўлибдур. Улар ҳайрон бўлиб, уч-тўрт бўлак куйган тошларни олиб келдилар ва воқеани маликага маълум қилдилар. Олиб келган қорамтир куйган тошларни маликага кўрсатдилар. Малика

хўп тааммул қилиб тошларни кўздан кечириб кўрдикки, тошларнинг ҳаммаси олтиндур. Малика яна сўрадики, бул куйган тошлардин яна борму? Агар бўлса олиб келинглар, даркор бўлғусидур деб, амр қилди. Отаси икки хизматкор бирлан бориб, бир неча отларда ул қорайган тошлардан олиб келдилар. Малика амр айладики, эй ота шаҳарга бориб бирор инсофли заргар бўлса олиб келинг, унга ишим кўпдир деди.

Алқисса, пирамарднинг шаҳарда бир заргар таниши бор эрди, уни малика хузурига олиб келди. Малика ул тошлардин бир-икки қадогини заргарга кўрсатиб, бир нарх-баҳо айлаб берди. Заргар пулини нақд бериб олиб кетди. Малика айтдики, шул нархда олиб бориб, пулини келтириб бераверинг деди. Заргар ўз ҳамёни (фойдаси) учун ҳар ҳафтада бир неча қадокдин олтин олур эрди. Маликанинг бисотида нақдина беҳод сероб бўлди. Малика буюрдики эй ота, қаерда кул ва каниз бўлса сотиб олаберинг! Оз фурсатда тўрт юз кул ва тўрт юз канизни сотиб олдилар. Кул ва канизларни бир-бирига никоҳлаб қўйдилар. Дарёдин бир анҳор сув чиқариб, барча кулларни дехқончилик ишига машғул қилди. Бир катта ерни кулларга шаҳар қилиб берди ва ул шаҳарга сардобалар (сув омбори), масжид, савдо расталари бирлан бозорлар, дўконлар, меҳмонхоналар барпо этиб, бул шаҳарнинг отини «Висолобод» деб атадилар. Бир неча кулларни савдогарчиликка тайинлаб, уларга гумашталар белгилади. Оз вақт ичида Висолобод шаҳри шундай обод бўлдики, Балх атрофида бунга тенг келадиган бой ва обод шаҳар топилмасди.

Малика яна отасига дедик, эй ота — номдор уста, нажжор ва меъморлардин кўпроқ йиғиб олиб келинг! Ҳар ерда қўли гул усталар бўлса Висолободга кела бердилар. Иморатга мос асбоб-ускуна ҳаммаси тахт бўлди. Малика қурилажак иморатнинг тархини қизиб усталарга топширди. Олтин-жавоҳирларнинг хизмат бири оз фурсатда иморат тайёр бўлди. Чунончи, иморатнинг бир тарафи бўстон, юзга яқин меҳмонхона, бир томонда бир баланд қаср, қасрнинг тўрт тарафида даричалар қўйилган эрди. Уста ва мардикорларнинг хизмат ҳақини нақд бериб кузатдилар. Кулларнинг бир нечасини меҳмонларга хизмат қилгани учун саркор айлади. Ошхоналар устидан бир кишини баковулбоши қилиб, бева-бечораларга инъом-эҳсон айламоқ учун мутасадди қилиб тайинлади. Бул ишлар барча вилоятларда шуҳрат топиб, бечораҳо одамлар келиб, баҳраманд бўлур эрдилар. Яна қирқ нафар соҳибжамол канизларни сотиб олиб, ҳаммаларига Муслимшоҳнинг мусиҳий фунунида таълим бериб, моҳир мутриба, раққоса ва хонанда қилди ҳамда бир нечаси доира ноҳинида бохабар бўлди. Бир нечаси дутор, сетор, чортор, панжитор, шаштор ва шонздаҳ тор яъни, ўн олти тордан хабардор бўлдилар. Маликанинг қизи Моҳипайкарнинг илми фунунда хунари мазкур канизлардан юқори эрди. Маликайи Ҳазоргийсу мундоғ дабдалар бирлан кун ўтқарар эрди.

Тургун ФАЙЗИЕВ.

(Давоми бор).

Ёднома

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИМИЗ ДАВОМЧИСИ



Шу кунларда Ўзбекистон ёзувчилар уюشمаси мумтоз шеърятимиз давомчиси Мавлоно Чустий таваллудининг 95 йиллигини нишонламоқда. Фаъалнавис шоир Чустий номи нафақат Ўзбекистон, балки хорижий ўлкаларда ҳам машҳурдир. Ул зотнинг бир-бирдан гўзал, барҳаёт газаллари халқимиз дилидан тобора кенг ўрин олиб бормоқда. Хонанда-ларимиз уларга куйлар басталаб, қўшиқ қилиб айтмоқдалар.

Ўзининг баракали умри (1904—1983) мобайнида бой адабий мерос қолдирган Чустий (Набиҳон Хўжаев) арузнавис сафдошлари Ҳабибий, Чархий ва Собир Абдулаллар қатори ижод қилган оташнафас шоирлардандир. Унинг айниқса, газалиётимиз равнақига қўшган ҳиссаси салмоқлидир. 30-йилларда адабиётимизга кириб келган бу ҳассос шоирнинг шеърлари ўша пайтлардаёқ кенг оммалашиб кетган эди. Ниҳоятда равонлигу мусиқийлик кашф этган газалари тезда оғиздан-оғизга кўчар, қўшиққа айланиб, қалбларда завқ шавқ уйғотарди. Тинч меҳнат даврида Катта Фарғона нанали каби улкан қурилиш жабҳаларида, Улуғ Ватан уруши йилларида эса жанг майдонлари ва бутун республикамизда унинг шеърлари қўшиқ репертуарининг асосини ташкил этар эди.

Бироқ, бу билан Чустийнинг барча оригинал ва таржи-

ма асарлари китоб ҳолида нашр этилиб, маданиятимиз бойлигига айланган дейишимиз қийин. Ҳали бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар бир талай.

Назаримизда, шоирнинг ҳозиргача чоп этилмаган ўзбек тилидаги шеърларини халқ орасидан таниш-билишлар, дўсту биродарлари ва шахсий архивидан топиб, йиғиб чоп этириш лозим.

Шоирнинг ижодига қизиққан, асарларини севиб ўқиган адабиёт ихлосмандлари эътиборига унинг қуйидаги сатрларини ҳавола этамиз.

*Бирма-бир кетмоқ аниқ
навбат билан,
Бир-бирингиз ёд этинг
раҳмат билан.*

*Фотиҳа чоғида сиз айлаб
карам,
Ёд этингиз камтарин
Чустийни ҳам.*

Шоира КАЛОНХОНОВА.

Чустий

СУБҲИДАМ

*Йўқтур армон уйқудан завқ ила турдим субҳидам,
Сен кулиб боқтинг, кулиб мен ҳам гапирдим
субҳидам.*

*Сунбулу райҳон сочинг кўрмоққа эрди интизор,
Рухсат этдинг, дасталаб сенга келтирдим
субҳидам.*

*Кўз қаросидан қошинг устига хол боғлаб — уни
Кирпиким бирлан яногингга кўчирдим субҳидам.*

*Йўл ғубори гул юзингдан ўпмасин деб, рашк этиб,
Тонг насимидек супурдим, ҳам сув урдим
субҳидам.*

*Бир нафас кўздан узоклашдингму ногоҳ, дилбарим,
Титради жон оҳ уриб, излаб югурдим субҳидам.*

*Бир умр хуррам эрурман, бўлмағайман ғамзада,
Марҳаматлик ишваю ғамзангни кўрдим субҳидам.*

*Табрик айлар энди Чустийдек мени Ҳайёми ҳам,
Сен учун ой саҳнига бир хайма қурдим субҳидам.*

ВАТАН АШЪОРИ

*Қуёшдек шуъласин сочди Ватан дийдори қалбимга,
Ўсиб яшнашни ўргатди Ватан гулзори қалбимга.*

*Бузилмас бир иморат тиклади, нодир хунар бирлан,
Ажойиб берди зийнатлар Ватан меъмори қалбимга.*

*Кўзим очганда ҳам, бирдек жило берди,
Ўзининг суратин қизди Ватан сардори қалбимга.*

*Тараннум айласам, эл бирла осмон ҳам қулоқ солди,
Баланд авжини бахш этди Ватан гулёри қалбимга,*

*Ватанни рози қилмасдан туриб ҳеч тўхтама дейди,
Кўзим ҳар субҳидам очсам, Ватан хушёри қалбимга.*

*Ватан мадҳини ёзмасдан туролмам бир нафас,
Чустий,
Мудом руҳий гизо берди Ватан ашъори қалбимга.*

ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР

Олий неъмат Истиклол туфайли миллий кадрятларимиз тобора кадр топаётгани баайни ҳақиқат. Қайси маҳаллага, кучаю гузарга, чойхонаю бошқа дам олиш масканига қараманг, миллий либосли отахону онахонлар, аллқомат йигитлару нозанинларни кўрасиз. Умуман, азим Тошкент қиёфаси бутунлай ўзгариб, миллий меъморчилик руҳи билан йўғрилган замонавий осмонўпар иншоотлар кишига қувонч бахшида этади. Кўхна Наврўзнинг тикланиши, азалий удуми миллий кадрятларга қайта жон ато этилиши умидбахш ҳис-туйғулар уйғотади.

Мазкур мақолада турмушимиздан катта ўрин эгаллаган, турли тўйлар, маъракаларга бағишлаб, улкан дошқозонларда дамлаб ётти маҳаллага тортиладиган юртга ош бериш удуми ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Албатта мақолада билдириладиган фикр-мулоҳазалар, хулосаю тавсиялар бахдан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Лекин кўрилатган мавзу бутун азим Тошкент шаҳри аҳолисининг эътиборида, унга ҳеч қандай бефарқ бўлолмайди. Чунки наҳорги ошга ҳам-манг — ёшу қари, эрқаю аёл, ишчию зиёли — барчанинг даҳли бор. Сабаб — наҳорги ошга борувчи оила аъзосининг ухлаб қолмаслиги учун бутун оила аъзолари тунда сергак бўладилар, ошга борувчи тун ярмидан оққанда уйқудан уйғониб, тардуд кўраб экан, бошқаларнинг уйқусига халал беради.

Мухтарам муштарий! Сизни «яна бир яхши маросимга хуруж бошланганди-да!» деган фикрга бормаслик мақсадида мақсадимизни айтиб кўя қолайлик. Биз мазкур маросимга мутоқ қарши эмас-миз. Аксинча уни тўла қўллаб, қатнашчиларига қандайдир қулайликлар туғдириш устида фикр юритмоқчимиз.

Пойтахтда яшаб, сахар чоғлари ошга бормаган киши топилмас керак. Ниқоҳ тўйида, суннат тўйида, муборак ҳаж сафаридан қайтганда, пайгамбар ёши ва бошқа тантаналарда албатта каллаи сахарлаб ош тортилади. Нафақат тўю тантаналарда, ҳатто худойида ҳам, марҳумни ёд айлаб ўтказиладиган маъракаларда ҳам худди шундай наҳор оши бўлади. Хурсандчилик, хушвақтлик билан бўладиган наҳор оши билан азасимон ошининг фарқи шундаки, бирида карнай-сурнай садолари, ҳофизлар хониши эшитилса, иккинчисиде Қуръони каримдан суралар ўқиб тиловат қилинади.

Тошкент маҳаллаларида қишин-ёзин ўша «удум» давом этаверади. Сахар мардонда, ҳали кун чиқмасдан, тонг ёришар-ёришмас одамлар гурросгуррос айтелган жойга — ошга келаверадилар. Бундай ҳол нафақат Тошкент шаҳрида, балки пойтахт атрофидаги туману шаҳарларда, баъзи вилоят марказларида ҳам «удум»га айланиб, бу ердаги аҳоли ҳаётига жуда сингиб кетган.

Лекин энг қизиғи шундаки, бу «удум»нинг тарихи, келиб чиқиш сабаблари, нима учун айнан каллаи сахарлаб ошхўрлик қилишнинг хосияти нимада эканлигини ҳам тушуниш мушкул. Бирор бир илмий, тарихий, бадиий адабиётда, ёки бирор бошқа жиддийроқ манбада нима учун ош каллаи сахарлаб берилиши кераклиги ҳақида изоҳ, тушулча учратмадик. Кўпгина зиёлилар, элшунно, тарихчи олимлар, нуруний кишилар, аҳли донишлар, уламолар ҳам нима учун бу удум асосан каллаи сахарлаб ўтказилиши кераклиги ҳақида бирор бир мантиқий жавоб топиб беролмадилар. Аксинча, тиббиёт ходимлари бу «удум»нинг киши организмига etkazadigan зарари ҳақида куюнчақлик билан фикр билдирадилар...

Наҳор ошини тайёрлаш, аввало, ўша хонадон соҳибларига анча-мунча ташвиш туғдиради. Наҳор оши бўладиган кун хонадон соҳиблари — маросим эгалари мутлақо ухламасликлари тақозо этилади. Чунки, нақ ярим кечаси ўчоққа ўт ёқилиши керак. Тун ярмидан оққанда қозонда ҳит-биз бўлади. Субҳи содиққа қадрар ош дамланиши шарт. Демак, маросим эгаларига кўшилиб ошпаз, ўтёқар, самоварчи, бошқа дастёрлар, дастурхончилар ҳам уйқудан кечилишига тўғри келади. Модомки, ошхўрлик бўладими, демак, меҳмонлар етиб келмасларидан бурун стол-стул, хонтахталарни ҳозирлаш, дастурхонларни безатиш зарур.

Маросимнинг мазмунига қараб, санъаткорлар анча барвақт — наҳор оши сузилмасидан илгарироқ келишлари ва ишга киришишлари лозим. Хуллас, бир мартаба — наҳорда ўтказиладиган бирикки соатлик тадбир учун хонадон соҳибларию бошқа хизматчилар шунча овора бўладилар. Албатта, наҳор ошидан сўнг ўша уйқудан қолган инсонлар кун бўйи дам олишларига тўғри келади. Акс ҳолда, қарақт бўлишиб, бошлари оғриб, иш нууми пайсийиб кетади.

Масаланинг яна бир томонида эътибор қаратмасдан илоҳий йўқ. Наҳорги ош соҳибларию меҳмонлардан ташқари ён-атрофда яшайдиган кўнүкўшчилар ҳам уйқудан қолишади. Бу муаммо айниқса кўпқаватли уйлар олдидеги тўйхоналарда наҳорга ош берилганда, кўпчилик азият чекади. Зотан бундай жойларда ошга қатнашмайдиганлар кўпчилики ташкил этади. Бола-чақа, хотин-халаж, беморлардан ташқари ошга этилмаганлар ҳам бўлади...

Албатта, бир кеча минг кеча эмас, чидасин-да, дейиш ҳам мумкин. Лекин бир кўча, ёки кўпқаватли уйларнинг тўйхоналарида кетма-кет наҳорги ошлар берилиши ҳам мумкин.

ОШГА БОРУВЧИЛАРГА ҳам осонмас...

Ёз пайлари тонг жуда барвақт ёришади. Дей-

лик, эрталаб соат 4-5 ларда наҳор ошига етиб бориш учун кечаси 2-3 ларда уйқудан туриб, ҳозирлик кўриш лозим. Ош шундоқ қўшининг ҳовлисида, борингки, бир-икки қақирим наридаги маҳалладошинг ёки қариндош-уруғнинг хонадониде бўлса бир нави. Энди азим шаҳримизнинг турли бурчакларида ёр-дўстларинг, қариндошларинг шунча маросим ўтказишса-чи? Ё бир кун олдин бориб, ўша оғайнинг уйда дардисар бўлиб ётиб олишинг керак, ёки кечқурун бирор енгил машинани тахт қилиб кўйишинг шарт. Жамоат транспорти одатда шаҳримизда наҳор ошлари тугаб, қозон тўнкарилганидан кейин қатнай бошлаши барчага маълум.

Тонгги уйқудан қолиб, наҳор ошига борган киши кўпинча кун бўйи қарақт юради. Тиббиёт ходимлари ҳам бу ҳолатнинг организм учун бирор ижобий жиҳатлари ҳақида фикр билдиришмайди, аксинча, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлашади.

Тўй ва бошқа маросимларимиз моҳиятан жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шарқона удумлар мувофиқ тарзда ўтказиладиган тўйларда ўйин-кулги, кураш, дорбозлик, кўпқари ва ҳоказо ўйинлар бўлади. Шоирлар шеърлар айтадилар, раққосалар хиром айлашади. Турли айтишувлар, ўланлар янграйди. Ахир, буларнинг барча-барчаси ёшлар тарбиясига ҳам жуда катта ижобий таъсир кўрсатиши шак-шубҳасиз. Афсуски, наҳор ошида бундай удумларга ўрин бўлмайди ҳисоб. Болалар, ёшлар, қизлар, хотин-халаж мутлақо қатнашмайдилар. Фақат катта кишилар апил-тапил ош еб кетадилар.

ҲАР КИМНИНГ ТОПГАНИ тўйга буюрсин! Фахр ила айтиш мумкин, кўзбекинг тўйичалик файзли, баракали, хосиятли тўй дунёда камдан-кам бўлади. Шабдада шабадан бошлаб келар, деганларидек, таомилга кўра бўладиган тўйларимиз албатта келгусида яна тўйлар давом этишига замин яратаверади. Шунга яраша тўй тўйдек ўтгани маълум.

Тўй-у маросимларимизнинг бир қисми сифатида тортиладиган наҳор оши ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баён этдик. Кўпга келган тўй, деганларидек, бу «удум» ҳам ҳозирча кўпчиликнинг бошига тушган савдо. Пайти келиб, ҳамма нарса ўз ўрнини топаверади. Вақт деган олий ҳакам ҳар ишнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқараверади. Яқин ўтишимизда — меҳнатнинг «социалистик усули» устивор бўлган пайлари тошкентликларнинг «наҳор оши» деган удуми вақтни тежашга кўл келаркан, жуда барвақт туриб, тўй ё бошқа маърақа қилаётган оғайнисининг ҳам кўнглини овлашга фурсат топаркан ва энг муҳими — давлат ишига кечикмасдан етиб боришга имкон бўларкан, деган мақтовнамороқ гаплар юрарди. Эҳтимолки, бу удумнинг ҳам келиб чиқиши — давлат ишидан бирор дақиқа кечикмаслигининг тузукроқ шаклини яратиб билан боғлиқ бўлгандир...

Тасаввур қилинг, ўша ажойиб ош каллаи сахарлаб эмас, қоқ тушлик пайти бўлса! Шаҳарнинг қай бурчида бўлмасин, қайси маҳаллага бориш тақозо этилмасин, унга жамоат транспортда ҳам етиб бориш, бафуржа шохўрлик қилиб, бемалол ишхонага етиб келиш мумкин-ку.

Ош бериш маросими билан боғлиқ яна бир муаммо устида қисқа бўлса ҳам тўхталиб ўтишни лозим кўрдик. Бу илми мажлис, ақиқа маросимларидир. Илми-мажлис ислом фарзларидан иккитаси — амри-маъруф ҳамда наҳийи мункар бажарилиши билан эътибор топтоқда. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳам ёмонмас. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу маросимнинг тежамкорона, камчиқим ўртини ибратлидир. Марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маъракаларда илми мажлис оммалашмоқда.

Ҳар бир маросимнинг ижобий жиҳатлари шак-шубҳасиз элимизнинг ютуғи. Бироқ, баъзи камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ошқора ёзишни бурчимиз, деб билдик. Хусусан, илми мажлис маросими баъзан узундан узоқ ваъзхонликка айланиб кетаётгани, натижада, бир соат ўрнига икки-уч соатлаб одамлар ошда «ўтириб» қолаётгани мантиқан тўғримикин? Ахир, домланинг тиловати-ю амри-маъруф учун ярим соат ҳам қифоя-ку.

Ҳозир ёз палласи, айни тўй-ҳашамларнинг, наҳорги ошларнинг авжга чиққан палласи. Камина ҳам каллаи сахарлаб, кези келганда уч-тўрт ошга бориб, қоринни чамбарак қилиб, уйқуга тўймай қарақт бўлиб, бошқа худди шундай қарақтларга ўхшаб «наҳорги ош»да дийдорлашиш қанчалар яхши-ку, лекин кун бўйи ишдан чиқиши ёмон одамнинг» деб ҳасрат қилибгина қолмай, юқоридаги муқобил деб билган фикрларини яна бир бор қозга туширишга журъат этди. Бу бахсталаб фикрлар баъзиларга ёқмас, кимларгадир эриш туюлар. Агар фикримиз кўпчиликнинг дилидаги гапларни, армонларни ифодаласа, пайти келиб ҳаётимизда ўзига хос ўзгаришлар рўй берад. Зарурати бўлган ош айнан каллаи сахарда — наҳорда эмас, дейлик, жуда кўпчилик учун қулай бўлган бошқа вақтда — тушдаки, кечга томонни тортилар...

Энг муҳими, наҳорги ошга борувчилар ҳам, ош берувчилар ҳам тундаги уйқусизликлар ва бошқа ноқулайликлар туфайли яхши бир маросимимизни ёмонлаб, кадрятимизнинг қадрини пайсатирмаган бўлишармиди?!

Хўш, Сиз нима дейсиз, муҳтарам газетхон?

Шавкат МИРАЛИМОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Шарқ гурдонлари

ОЗ-ОЗ ЎЙЛАНИШ
ДОМО БУЛАВ...

◆ Доноларнинг айтишича, ақлли кишилар беш нарсани яширишлари лозимдир. Биринчи, мону давлатига нуқсон етса, уни халқ олдида гапириб юрмаслиги керакки, уни айтган билан бойлиги қайтиб келмайди. Ҳинчи эса оққўзликда ва бефаҳмлиқда айб-лайдилар, хурмати эса тўкилади. Иккинчи, ақлли ҳисобланган киши ўзгалар қошида ғам-андуддан шикоят қилса унинг беқарорлиги ва кулфатга чидамай йўқлиги маълум бўлади, унинг изтиробини кўрган одамлар аҳли тадбир эмаслигидан оғоҳ бўладилар. Учинчи, ақлли кишининг ўзида ёки қавму қариндошида бирор яхши ёхуд ёмон иш содир бўлса, бу вақтда мақтанса ёки аксинча нолиса бу ҳам ақллилик сифати саналмайди. Бундай пайтда ҳам ақлли кишига жим туриш ярашади. Ақлли киши бирор учун яхшилик қилса ва ёрдам қўлини чўзиб кулфатдан халос қилса, бу пайтда ҳам жим турмоғи ва бу қилган яхшилигини барчага айтиб юрмай, пинҳон тутмоғи керак. Шеър:

*Бировга яхшилик қилса ҳар инсон,
Ҳар ерда мақтаниб юрса зўр нуқсон!*

◆ Анушервон Бузургмеҳрдан: «Мулоимлик нима?» деб сўради. У деди: «Мулоимлик ахлоқ дастурхонининг тузи. Ҳилм, яъни мулоимлик сўзини тескари ўқисанг, милҳ, яъни туз бўлади. Ҳеч бир овқат тузсиз таъмига эга бўлмайди. Ҳеч бир хулқ ҳам ҳилм, яъни мулоимликсиз камол тополмайди! Анушервон яна ундан: «Мулоимликнинг белгилари қандай бўлади?» деб сўради. «Унинг уч аломати бўлади», — деб жавоб берди Бузургмеҳр. «Биринчиси — биров сenga қовоғини солса ёки аччиқ сўзларни айтса ҳам, унга нисбатан ширин сўз айтсан, агар у ўз феъли билан хафа қилса уни хурсанд қилишга уринсан. Иккинчи — ғазаб ўт олиб, осмонга ўрлаган пайтда ҳам, сукут қилиб хомуш бўлиб турсан. Учинчи — бирор кимса кирдикори билан ғазабга лойиқ бўлса ҳам ғазабни ичга ютиб, ўзингни босасан!» Байт:

*Ёмонликка яхшилик қилмоқ,
Оқилларнинг наздида хушроқ.
Бу маънига ҳар кимки етди,
Ёмонликка яхшилик этди.*

Абулбарокот КОДИРИЙ.

◆ Эй фарзанд! Агар дунёда доимо бахтиёр бўлай десанг, айтилган насиҳатларни ҳеч қачон ёдиндан чиқарма! Баён қилишларича, Луқмони ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган:

— Эй ўғил, бирор киши олдинга бир хожат билан келса, ундай кишини ноумид қилиб қайтарма. Қўлингдан келганича хожатини раво қил. Ёнингда етарли маблағинг бўлса, хожатмандларнинг хожатини чиқармоқ дунёда энг яхши фазилатлардан ҳисобланади.

Ёзишларича, Луқмони ҳаким доимо қарз олар ва пули бўлса бошқаларга қарз берад экан. Унинг ҳиммати ва сахийлигини эшитган кишилар узоқ шаҳар ва қишлоқлардан қарз сўраб келишарди. Кунлардан бир кун номаълум бир савдогар унинг хузурига келди ва деди:

— Эй, Луқмон, мен машҳур савдогар эдим, ҳодисотлар туфайли бутун мол-мулкимдан ажрадим, ҳозир қўлимда ҳеч нарсам йўқ. Қўлимдан ҳеч бир иш келмайди, касбу ҳунарим эса йўқ. Сендан қарз сўраб келдим!

Луқмон уйдан минг динор пул чиқариб, савдогарнинг қўлига тутқазди. Буни кузатиб турган Луқмоннинг ўғли отасига қараб:

— Эй ота, шунча пулни ҳеч бир ҳужжатсиз нотаниш одамга бериб юбордингиз, у тониб кетса нима қиласиз? — деди.

— Эй, ўғлим, — деди Луқмон, — одамлар ҳеч қачон яхшилигини унутмайдилар. Вақтинча улар сендан юз ўғирсалар ҳам қуни келиб инсофга келади. Ҳақиқий инсон қўлидан келса бошқаларга яхшилик қилмоғи ва қилган яхшилигини эса унутмоғи зарур. Аммо бошқаларнинг ўзига қилган яхшилигини эса унутмаслиги керак.

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ Кўнглида мусавволик туғдирувчи айрилиқ жафо туғдирувчи яқинликдан яхши!

Мажиддин ҲАВОФИЙ.

◆ ҲИҚМАТ. Қариллик зийнати гапираверишда эмас, балки жим ўтиришдадир.

*Сенга айтмай бир насиҳат, эй ўғил,
Сол қулоғинг сенга бўлғай жону дил.
Кексаларнинг пандини ёдинга ол,
Не деса «хўш» деб тилингни айла бол!
Ёрдамингни кўрсат, айлан ҳассага!
Кексаларни кўрганганда қочмагил,
Мард кишилар одатидан кечмагил,
Эй йигит, эл бирла бўлсанг яхшидир,
Чехранг очиб, шод кулсанг яхшидир,
Шундайин йўл тутки, қолма беҳунар,
Кимда бўлса гар ҳунар ризқи унар.*

ХУРРАМИЙ.

◆ Хорлик йўқликдан келади.

◆ Хушёр шундай одамки, қўлида борини диққат билан сақлайди. Бугунги ишни эса эртага қолдирмайди.

— Йигит йигитдан нимаси билан ортиқ?

— Хушёрлиги билан!

◆ Хушёрлик улкан бойлик, танбаллик эса вақтни бекор ўтказишидир.

◆ Мухаббат маслаҳатсиз пайдо бўлади.


◆ Кимки мулоим бўлса саодатлик, кимки кам гап бўлса саломат бўлади.

◆ Ўз ўрнида қилинмаган мулоимлик аҳмоқликдир.

*Тикон бўлишинг ҳам ўз ўрни бордир,
Беҳуда мулоим бўлган ҳам хордир.*

«Аталар сўзлари»дан.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



**Бош муҳаррир
Акмак АҚРОМОВ**

Манзилемиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида

босилади. Қоғоз бирими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни etkazиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига муржаат қилишингиз мумкин.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа муңцерни
босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**